



Япония пойтахти Токио шаҳрида Тойо Бунко – “Шарқ кутубхонаси” бор. Мазкур даргоҳда ўзбек адабиёти, хусусан, жадидлар ижоди билан жиддий шугулланган профессор Хисао Куматсу ишлайди. Куматсу туркий тилларни, хусусан, ўзбек тилини ҳам яхши билади. У Ўзбекистонда бўлиб ўтган халқаро анжуманларда ўз маърузалари билан фаол қатнашиб келади.



(Давоми 2-саҳифада.)

ФЕСТИВАЛЬ



ДОНҒИ ДУНЁГА ДОСТОН ЮРТ

Ривоятларга кўра, қадим замонларда бир чўпон мол боқиб юрган чоғи отлардан бирининг узун ёли чўпга илиниб қолганини кўради. Шамол эсган сари ўша ёл тўбраниб, чўпга урилади ва ундан ажиб бир овоз чиқа бошлайди. У ҳайрат билан ушбу овозга қулоқ тутди ва оҳанг қандай пайдо бўлаётганини кузатади. Уша куни чўпон илк бор табиат мўъжизасидан таъсирланиб, ғаройиб оҳанг таратадиган қурилма – дўмбирани ясайди. Дўмбира садоси чўпонни борган сари илҳомлантириб, куйлашга мажбур этади.

Шу тариқа халқ ҳаёти ва орзуларини дoston қилиб, дўмбира билан куйлайдиган бахшилар пайдо бўлади. Ўзбек фольклори ана шундай битмас-туганмас хазина устига қурилган. Хабарингиз бор, 26-28 апрель кунлари бутун дунё санъат аҳлининг нигоҳи Хива шаҳрида бўлиб ўтган IV Халқаро бахшичилик санъати фестивалига қаратилди. Фестивалда дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатидан 200 га яқин вакил иштирок этди. Россия, Туркия, Озарбайжон, Қирғизистон, Қозғистон каби давлатларнинг нуфузли илм масканларидан ташриф буюрган таниқли фольклоршунос олимлар бахшичилик санъати тарихи ва унинг жаҳон маданияти тараққиётида тутган ўрни ҳақида маъруза қилдилар.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев мазкур халқаро фестиваль иштирокчиларига табрик йўллаб, Хоразм дostonчилик мактаби ғоят қадимий ва бой тарихга эгаллиги, “Лазги” каби дунёга машҳур мумтоз куй-қўшиқлар, ғўзал рақслар айнан ана шу азим дарёдан озикланиб келаётганини ифтихор билан таъкидлади.

(Давоми 3-саҳифада.)

ОНАЖОНИМ – ТАБИАТ!

ВАЗИЯТ ҚАНЧАЛИК ЖИДДИЙ?

Шу кеча-кундузда дунёда бир миллиарддан ортиқ киши турли даражадаги сув танқислигидан азият чекмоқда. Сайёраимизда мавжуд бўлган барча чўчук сувнинг тахминан 70 фоизи экинларни суғориш учун ишлатилади. Покистон, Эрон, Индонезия, Ҳиндистон ва Ўзбекистон каби мамлакатларда жами сувнинг 90 фоизи қишлоқ хўжалигига сарфланади. Бу кўрсаткич юқори даромадли мамлакатларда, хусусан, АҚШда 46 фоиз, Японияда эса 20 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларида ишлатилаётган сув ресурсларининг энг катта қисми – 89,7 фоизи қишлоқ хўжалиги, 5 фоизи коммунал хўжалик, 2 фоизи саноат ва 3,3 фоизи бошқа тармоқлар ҳиссасига тўғри келади.

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ глобал муаммолар сув танқислигининг келиб чиқишини янада кучайтирмоқда, бунинг натижасида қурғоқчилик ва чўлланиш жараёни янада кучайиб кетиши ҳамда аҳоли турмуш даражасига жиддий таъсир ўтказиши мумкин.

Буни аниқ рақамларда кўриб чиқсак, муаммо кўлами янада яққолроқ намоён бўлади. Марказий Осиёдаги жами суғориладиган ер майдони 7,9 млн гектарни, бунда Ўзбекистоннинг улуши қарийб 4,3 млн гектар (55 фоиз)ни ташкил этади.

Ўзбекистоннинг табиий иқлим шароитига кўра, республикада ёғингарчиликнинг ўртача йиллик ҳажми 186 мм.ни, хусусан, мамлакатнинг адирлик ва тоғолди қисмларида 300–550 мм.ни, Ғарбий Тянь-Шань, Ҳисор-Зарафшон тоғларининг жануби-ғарбий қисмида эса 800–900 мм.ни ташкил қилади. Йиллик ёғинли кунлар текисликда 35–40 кун, тоғ ва тоғолди худудларида 70–90 кунга етади.

Хусусан, 2014–2023 йиллар оралиғида республикада энг кўп ёғин-

ОБИ ҲАЁТ – ЕРГА НАЖОТ



гарчилик миқдори Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида кузатилган.

Ўзбекистон шароитида ёғингарчилик ўртача даражада бўлган уй ва бино-иншоотлар томларидан тўпланиб тушган ёмғир сувини махсус бетонланган ва бошқа мослаштирилган сув сақлагичларда йиғиш бир йилда 1 квадрат метр том сатҳидан ўрта ҳисобда 186 литрга тенг ёмғир сувини тўплаш имконини беради. Бу борада олимлар томонидан етарлича тажрибалар ўтказилган.

Бундан ташқари, мамлакатимизда тоғ-адирлардан оқиб келадиган сувни сунъий ҳовуз ва иншоотларда тўплаш амалиёти мавжуд бўлиб, ушбу тажрибани кенг оммалаштириш ёмғир сувидан самарали фойдаланиш имкониятини кенгайтиради.

“ЕР БИЛАН ТИЛ ТОПИША ОЛМАСДИК...”

Қашқадарё вилояти Деҳқонobod туманидаги “Қодирбахши Раҳимов” номли маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси ёмғир сувидан унумли фойдаланиб, бугунги кунда юқори даромад кўрмоқда.

Қудрат Солиев ёшлигидан деҳқончиликка қизикар, аммо сув муаммоси сабаб ер билан тил топиша олмай келарди. Тиришқоқ ва уddaбурон ватандошимиз бунинг ечимини топди. У ҳовлисида учта ҳовуз қазиб, яшаш уйи ва қўшимча бинолар тарновларидан тушаётган ёмғир сувини тўплаб, томорқасидаги ўсимликларни томчилатиб ва ёмғирлатиб суғоришни йўлга қўйди. Шу пайтгача деярли бўш турган томорқа бугун ноёб ва қимматбаҳо ўсимлик – кавраклар би-

лан бурканди. Каврак фармацевтика, тиббиёт, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа қатор тармоқларда фойдаланиб келинаётган юқори даромадли қишлоқ хўжалиги маҳсулотидир.

– Ҳовли солиб, ерга кўчиб келганимда сув муаммоси бизни жуда қийнар, томорқамизда ҳеч нарса унмасди, – дейди деҳқон. – Шундай пайтларда суви мўл, тупроғи унумдор, аммо эгаси дангаса одамларни кўрганимда ачиниб кетардим. Қани энди шунақа имконият менда бўлганида, ҳовлимни боғга айлантириб, ҳамманинг ҳавасини келтирардим, бунинг ортидан яхшигина даромад ҳам кўрардим, деб қўярдим ўзимди. Лекин ҳаёл суриш билан иш битмайди. Ахир ота-боболаримиз не-не имконсиз вазиятларда ҳам чўлларда бўстон яратган.

(Давоми 5-саҳифада.)

ЁРУҒ ХОТИРАЛАР

ДЎСТ ҲАҚИДА СЎЗ



Таниқли давлат ва жамоат арбоби, шарқшунос олим, моҳир педагог ва дипломат Рустам Собирович Қосимов (1955–2021), Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев таъбири билан айтганда, халқимизнинг том маънодаги зиёли, маърифатпарвар фарзанди эди. Мамлакатимизда таълим ти-

зимини такомиллаштириш, маънавий-маърифий жараёнларни янги, юксак босқичга кўтаришда бу инсоннинг хизмати катта.

Ҳаёт бўлганида Рустам Собирович бу йил 70 ёшни қаршилаган бўлар эди.

Яқинда бу закий ва донишманд инсоннинг ибратли ҳаёт йўли, самарали ижтимоий ва сиёсий фаолияти, бетакрор фазилатлари ҳақида замондошлари ва яқин дўстлари, ҳамкасблари ва шогирдларининг самимий хотираларидан иборат “Рустам Қосимов замондошлари хотирасида” китоби нашрга тайёрланди.

“Инсон қадрини улуг, хотира муқаддас” деган эзгу ғояга амал қилган ҳолда, қуйида мазкур тўпламдан ўрин олган ёднома-лардан бирини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

“Баъзан ботинимиздаги оташ ўчади-ю, кимнидир учратганда отилган учкундан қайта аланга олади”, дейишади. Мен Рустам Собирович Қосимовга илк бор дуч келганимда айна шундай ҳолатни бошимдан кечирдим. Бизни мустақкам дўстлик ришталари боғлаган эди. Деярли тенгдош бўлсак-да, мени “ока” деб атар, бу мени ҳам хижолат қилар, ҳам кўнглимга хуш ёқар эди. Халқона айтганда: “Оганг дўстинг бўлмас, илло дўстинг –

ҳар қачон оғангдир”. У менга руҳан дўстдан-да яқинроқ эди...

Рустам Қосимов – асл ўзбек зиёлисининг ёрқин тажассуми; атоқли олимлар, ректор, дипломат ва элчилар шажараси вакили; серқирра талант соҳиби – психолог, полиглот, қомусий билимлар эгаси бўлган олим; бинобарин, ажойиб ташкилотчи ва Худо ёрлақан раҳбар.

(Давоми 5-саҳифада.)

МУНОЗАРА

РЕНЕССАНС УЛҒАЯДИГАН МАЙДОН



“Олим бўлиш осонми?” мақоласи муаллифи, таниқли журналист Рўзимбой ҲАСАНГА ОЧИҚ ХАТ

Рўзимбой, қадрдон! Сизни тажрибали, қалами ўткир журналист сифатида биламан. Мавзуни холис ёритишга ҳаракат қиласиз, куюнчак мулоҳазаларингиз самимийлиги айниқса жозибали. Жумладан, “Jadid” газетасида босилган “Олим бўлиш осонми?” сарлавҳали мақолангиз (2025 йил, 18 апрель) эътиборимни тортди. Уйлатиб қўйди, мулоҳазага ундади. Мақола ҳар қандай жамият учун ғоятда муҳим ва ҳеч қачон долзарблигини йўқотмайдиган мавзу – олимлик мартабаси, салоҳияти, ҳалоллигига доир мушоҳадага бағишланган. Мақоланинг “Ушбу мулоҳаза ва саволлар ҳавода муаллақ қолиб кетмас деб умид қиламиз”, дея тугалланиши илм-фанимиз жонқуярларини эътиборсиз қолдирмас деб ўйлайман.

(Давоми 6-саҳифада.)

МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

ЕЛКАМА-ЕЛКА

Бир кунда отувга ҳукм қилинган ака-укалар қисмати



Бурҳоновлар сулоласи... Бухородаги жадидлик ҳаракати ҳақида сўз борса, албатта, ушбу сулола эсланади, уни четлаб ўтишнинг иложи йўқ. Сулола XIX аср охири – XX асрнинг биринчи чорағида Бухородаги ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнларда муҳим роль ўйнаган маърифатпарвар хонадонлардан бири эди.

Уларнинг аждодлари Бухорода ўрта асрлардан бошлаб шайхулилом, қозикалон, муфтий, раис, мударрис сифатида ном қозонган. Шажара ўқтомирида турган самарқандлик уламо Бурҳон Олим ўғли – Самарқанд шаҳри чор Россияси тасарруфига ўтганидан кейин Бухорога келиб узоқ йиллар мударрис ва муфтий сифатида фаолият юритган. XX аср бошларига келиб бу оила вакиллари худудда янги мактаблар очиб, тараққиёт ғояларини оммалаштиришда фаол

иштирок этгани ҳақида маълумотлар учрайди. Сулоладан йирик давлат арбоблари, маориф, маданият ходимларидан тортиб, педагог, журналист, машҳур композиторларгача етишиб чиққан. Уларнинг асли ким экани, жамиятда қандай юксак мавқега эгаллиги борасида тўқти тасаввур ҳосил бўлиши учун биргина инсоннинг исми-шарифини тилга олиш кифоя: Мутаваккил Бурҳонов! Давлат мадҳиямиз муסיқасининг муаллифи бўлган атоқли бастакор. Саҳна олдида биз унинг ўзини тамоман қуй ва оҳангга бағишлаган умрини кўрамиз, парда ортида эса “халқ душмани” айблови билан отиб ташланган жадид амакилари, акасининг фожиаи қисматида бе-хабармиз. Қуйида Бурҳоновлар сулоласининг аччиқ қисматини яшаб ўтган ака-укалар – тўрт жадид тақдирини ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

(Давоми 7-саҳифада.)



ТОКИОДА БЕҲБУДИЙХОНЛИК

Бошланиши 1-саҳифада.

Яқинда “Шарқ кутубхонаси” ҳамда Токио хорижий тиллар университетда профессор Ҳисао Куматсу ташаббуси билан жадидликка бағишланган халқаро анжуман ташкил этилди. Илмий-амалий конференция Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 150 йиллигига бағишланди. Унда соҳа мутахассислари, ўзбек, япон жадидшунослари ва тилимизни ўрганаётган япониялик талабалар қатнашди. Қуйида анжуман иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Шухрат РИЗАЕВ, профессор (Ўзбекистон):

— Жадидлик масалаларини ўрганиш, тадқиқ этиш бугун Ўзбекистонда ҳам, жаҳон олимлари ўртасида ҳам янги босқичга кирди. Бу, албатта, Ўзбекистон Президентининг ташаббуси ва Янги Ўзбекистонни яратиб беришга қўйилган концептуал мақсади билан алоқадор. Бу ҳодисани тўлиқ эътироф этиб, табриклаган ҳолда, биз энди жадидлик ҳаракатининг юз эллик йиллар аввал бошланган глобал жараёнларда вуҷудга келиб, то ҳозирги глобал дунё миқёсларида қасб этган аҳамиятини кўрсатиб берувчи илмий ва амалий изланмалар, тадқиқотлар, кўришлар ва умумлашмалар чегарасида бирлашмоғимиз лозим. Очиги, бугун бу масалаларда икки тоифа жамоа шаклланипти. Бири илмий-назарий ва амалий манбаларига суяниб, жадидлик ҳаракатини барча йўналиш ва жиҳатларини, асоси ва тараққийсию бори зиддияти, мураккабликлари билан ўрганиш, тадқиқ этишни мақсад қилганлар ва иккинчиси, замона тақозоси билан долзарблик қасб этган илмий-амалий мавзу дунёсига кириб, ундан ўз “пиар” манфаатларига фойдаланиб қолишга уринаётганлар жамоаси. Бу тоифа ҳозирда ўта таллаб, илдиз отиб бораётгани исботлалади ҳақиқат эмас. Ваҳоланки, биз ҳали бери жадидлик ҳаракати мероси, манбаларини тизимли тарзда йиғиб, жамлаб, илмий истифода этиш борасида тайинли бир иш қилолганимиз йўқ. Мавзунасаларга доир мавжуд илмий-иҷодий меърос пароканда, тарқоқ ҳолда. Уни аввало, жамлаб, бир мақбул манзил-мақонда сақлаш ва авлодларга маънавий бисот ўлароқ етказиш ўта муҳим ва долзарб масала. Бу йўсинда қилладиган ишларимиз бир олам.

Иккинчидан, жадидшунос олим мутахассисларни Ўзбекистон ва жаҳон сарҳадларида жам этиб, муштарак мақсад сари йўналтиришни ўзи-да жуда жиддий, муҳимдан муҳим вазифа. Ана шу мақсад бугун бизни ҳозирги энг мураккаб Япониянинг Токио шаҳрида бирлаштириб турибди.

Мен 80-йиллардан буён жадид адаблари ижоди билан шуғулланиб келаман. Бир қанча китобларим нашр бўлди. Айтмоқчи бўлганим, бу ҳаракат улкан миқёсда дунё олимлари билан биргаликда муҳокама қилинадиган ҳодисадир. Шу эътибордан биз Япония пойтахтида жадидлик масалаларини халқаро даражада талқин ва таҳлил қилишимиз айтиш мумкин. Дарвоқе, биз жадидлик ҳаракати намояндаларига бағишланган айрим янги фильмлар учун бир қанча хорижий мутахассисларни ҳам жалб этдик. Дейлик, Фитрат ижоди бўйича муҳтарам профессоримиз Ҳисао Куматсу маслаҳатчи саналади. Чунки бу олим жадид матбуоти ва тарихи бўйича дунёдаги нуфузли мутахассислардан бири.

Ҳисао КУМАТСУ, профессор (Япония):

— Тарих миллий ўзлигини яратиб ва тарқатиш учун энг муҳим унсурлардан биридир. Туркистон жадидлари орасида ўлка тарихини ёзиш хусусида илк сўз очган Ҳожи Муин бўлса керак. 1913 йил бошида ўзи Туркистон номидан шундай дейди: “Сизлардан ўтинчим шулки, бурунги маданият ва умроним ҳамда бурунги боболарингиз турклар ҳақида аҳамият бериб бир муктаммас “Турк Туркистони тарихи” китоби тасниф қилиб, келажак авлод ва аҳфодимга суяроғол этингиз” (“Шўро” журнали, 1913 йил 1-сон). Лекин бу иш осон эмас эди. Татар журналистларидан Нуширван Ёвшев эъди: “Миллий мактабларда ўқитмоқ учун миллий тарих дарслигининг лузуми ҳар кимга маълумдир... Лекин маатаасуф бизнинг Туркистонда бугунгача тарихга аҳамият берилмади. Мактабларимиз учун тарих китоби (Туркистон тарихи) ёзилмади. Тарих миллатнинг жони — рухий, моддий ва маънавий ҳаётидир. Туркистон тарихи. Буни ким ёзар?” (“Садои Туркистон” газетаси, 1914 йил 17-сон).

Бу саволга дарҳол жавоб берган ҳам



Ҳожи Муин эди. У дейди: “Миллий тарихимизни ким ёзар?” деган саволни ўқидим. Албатта, биз Туркистон турклари учун бир муфассал ва мактабларимиз учун бир муҳтасар турк ва Туркистон тарихи лозимдир. Аммо ушбу хусусда тарих ёзмоқ ниҳоятда қийин ва оғир бўлиб, ҳозиргача янги тадқиқот билан шуҳрат топган тарихчи Туркистонда бўлмади. Биз бу хизматни ёш муаррихимиз қозонли муҳтарам Аҳмад Заки афанди Валидий жабдуларининг қаламидан умид этамиз” (“Садои Туркистон” газетаси, 1914 йил 23-сон).

Ҳожи Муин бу масалага аҳамият бериб шундай эъди: “Бизнинг Туркистонда тажадид ва интибоҳ асари кўрина бошлаганига ўн йил зиёда бўлиб, жарида ва мажаллалар чика бошлаган бўлса ҳам, матбуоти жадидамизнинг ҳеч бирисида миллий тарихимизга оид бирор масала ҳақида баҳс ва баён бўлинмади. Ҳолбуки, бизлар учун миллий тарих тарихи Ислому каби билнимоғи лозим... Бизларга миллий тарихни билмоқ йўлида биринчи қадам қўймоқ замони ҳануз келмаган бўлса ҳам, оқилан ушбу йўлга чиқмоқ учун ҳозирлариб турмоғимиз лозимдир. Келажакда бизлар ҳам миллий тарихимизни ибтидоий ва рушдий мактабларда болаларимизга ўқитмоқ шарафига ноил бўлуризм” (“Ойна” журнали, 1915 йил 10-сон).

Миллий тарихга қизиқиш қаердан келган? Бизнингча, биринчидан, мактаблар учун тарих дарси китобига эҳтиёждан, иккинчидан, сарт масаласи ҳақида мунозаралардан. Айниқса, 1911 йил билан 1915 йиллар орасида давом этган бу мунозара миллий тарихга қизиқишни уйғотмасдан қолмаган бўлса керак.

Кейинги инқилобий йилларда татар зиёлиларидан Мухтар Бақирнинг “Туркистон китъаси тарих ва жүрғофий жиҳатдан” номли мактаблар учун китоби (Тошкент, 1918) чиққан бўлса ҳам, уни совет тузumi остида тарқатишнинг имкони бўлмади. Ҳўқандлик Юнусжон Ҳожи Оғлик Туркистон тарихини ёзганимиз, ҳолбуки, асари номаълум қолмоқда. 1924 йилда Урта Осийнинг миллий чегараларга бўлинишидан кейин жадидлардан ҳам Аҳмад Закининг дўстларидан Пўлат Солиев “Ўзбекистон тарихи” китобини эъди (Самарқанд-Тошкент, 1929), аммо иккинчи жилди нашр қилинмасдан қолади.

Ҳожи Муинлар умид қилган Туркистон тарихи китоби ўлкада амалга ошмади. Лекин советлар билан сиёсий курашдан кейин хорижа чиққан Валидий (Тўғон) турк тилида “Бугунги Туркистон ва яқин мозий” деган китоб эъди (Қоҳира, 1929–1939). Бу асар ўша давргача чиққан энг муфассал Туркистон тарихи бўлиб, айниқса, яқин тарих хусусида бой маълумот беради... Бизнингча, бу асарга жадидлар умид қилган Туркистон тарихини акс эттирган ойна сифатида қараши ўринлидир. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Туркистонда кўтарилган бу каби

ирфоний ва инқилобий ҳаракатлар бошида, албатта, Маҳмудхўжа Беҳбудий жаноблари етакчи ва пешво бўлган.

Вали Саваш ЕЛОҚ, профессор (Туркия):

— Адабиётдаги эврилишлар умумий ижтимоий ўзгаришлардан тортиб, истеъдод эгаларининг индивидуал таъсирларига ҳам бўлган қўллаб-қувватланмаган асосланади. Яъни адабиёт ва ҳаёт ўзаро таъсирда бир-бирини шакллантириб туради.

Адабиёт тарихи ёзуви, соҳанинг ўтмиши ва ривожланишини тизимли тарзда ўрганадиган интизомдир. Метод жиҳатидан бу соҳада фойдаланиладиган ёндашувлар тарихий ва танқидий нуқтаи назарни талаб қилади. Адабиёт тарихи — хронологик, биографик, тематик, адабий оқимлар ва жанрлар марказида, қиёсий, социологик ва идеологик, эстетик ва формалистик усуллар асосида ёзилади. Қайси усул танлаишидан қатъи назар, адабиёт тарихини ёзишда манбадан фойдаланиш, объективлик ва танқидий ёндашув, контекстуаллик ва қамровлилик асосий тамойиллар бўлиб қолади.

Замонавий ўзбек адабиётининг тарихий жараёни даврларга кўра (жадидлар даври, совет даври, мустақиллик ва кейинги даврлар), жанрларга кўра (нази, наср, драма), мавзуларга кўра (миллий уйғониш, реализм, индивидуал туйғулар ва глобал мавзулар), ғоя ва оқимларга кўра (маърифатпарварлик, социалистик реализм, лиризм ва модернизм) тарзида таснифланмоқда. Ушбу номланмиш ёки юқорида зикр этилган методлардан қайси бири асос қилиб олингандан қатъи назар, замонавий ўзбек адабиётининг бошланишини белгилувчи матнлар ва бу матнларни яратган авлоднинг адабий мероси тўлиқ аниқланмагунча қамровли тасниф яратиш мумкин эмас. Чунки унинг бошланғич даврига оид маълумотлар тўлиқ йиғилмаган. Афсуски, биз учун ғоят қадри бўлган Туркистон жадидлик ҳаракати отаси Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг бой ва ранг-баранг меросининг тўлақонли нашри ҳақида ҳам қониқарли фикр айтиш қийин.

1905 йилдан кейинги давргада ўзбек даврий нашрларида адабий манбаларни жамлаб ўрганиш зарур. Улар адабиётшунослик илмида таҳлилга тортилиши ва адабиёт тарихини ёзишда қўл келиши мумкин. Бу, хусусан, адабиёт тарихининг чегараларини белгилаш ва даврларни аниқлаш, авлод тушунчаси атрофида қандай гуруҳлашлар мавжуд бўлганини, уларнинг ўзаро таъсирини, етакчи ёки йўл кўрсатган фикр эгалари таъсир доираларини таснифлаш учун муҳим кўрсаткич бўлиб хизмат қилади.

Шу муносабат билан, аввало, араб ёзувида, биринчи ўзбек лотин алифбоси ва кирил ёзувида чоп этилган 1905–1930 йиллар ораллигидаги матнларни адабий-илмий муомалага тўла олиб кириш керак.

Бекир ТУМЕН, доцент (Туркия):

— Бугунги кунда жадидлик тадқиқотлари Ўзбекистоннинг бу масалага берган эътибори ва ёрдами билан янги босқичга кирганини айтиш мумкин. Дунёда ижтимоий фанларнинг оммабоплиги пайсадан бир даврда давлат томонидан моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланмаган мавзуларнинг илмий жамоатчиликда узоқ вақт давомида тадқиқот объекти бўлиб қолиши қийин. XIX аср охири ва XX аср бошида бугун биз ёдга олаётган Беҳбудий ҳазратлари иқтидорга келтирган жадидлик ҳаракатини ҳар томонлама ўрганиш ўша давр тарихини яхшироқ тушуниш учун жуда фойдали бўлади.

Жадидлик ҳаракати барча ҳудудларда бир хил тарқалмади. Бу ҳаракатнинг энг барвақт бўй кўрсатган, эътибор қозongan ҳудудлари қаторида Эдил-Урол минтақаси етакчилик қилади. Екаторина II ислохотларидан сўнг бошланган ўзгариш жараёни жадид ҳаракатининг қабул қилинишини оsonлаштирган эди. Ҳаракатни қўллаб-қувватлаганлар унинг бошқа ҳудудларга тарқалишида ижобий роль ўйнаган. Жадидликдан аввал ҳам замонавийлашмиш жараёни бошлаган Озарбайжон зиёлилари орасида шунга ўхшаш ғоялар тарқалган эди. Аммо у ерда жадидликнинг қабул қилиниши ўзига хос тарзда кечди. Ушбу икки ҳудуддаги модернизация ҳаракатларини қиёсий тарзда ўрганиш ҳам фойдали бўлади.

Исмоил Фаспралнинг озарбайжонликлар билан олиб борган икки томонлама алоқалари фақатгина Озарбайжон зиёлиларини эмас, балки бутун Россия мусулмонларини ҳам мутаассир қилди. Тарихга қарасак, Россия туркларининг ўзаро таъсири жадид ҳаракати бошланиши билан янада кучайгани кўзга ташланади. Айниқса, 1905 йил нисбий эркинлик даври бошланиши билан бу таъсир янада ортди.

Шу йилгача бўлган даврда ҳаракатнинг энг муҳим вакили Фаспрал эди. Аммо 1905 йилдан кейин ҳар бир минтақада оммавий нашрлар ва ижтимоий-маданий ҳаракатлар учун йўл очилгач, ҳаракат суръати сезиларли даражада ошди. Янги йўналишларнинг пайдо бўлиши билан ўзгариш ва хилма-хиллик тезлашди. Фаспралнинг 1905 йилгача бўлган “тайёргарлик даври”да амалга оширган ишлари Россия мусулмонлари орасида умумий тасаввур, қурултойлар ва сиёсий фаолиятларнинг шаклланишида асосий омил бўлди. Агар 1905 йилги эркинлик даври 1880 йиллар ўрталарида юз берганида эди, ўзгариш жараёни анча жадалроқ кечган бўларди. Бироқ бирлик ғояси анча эрта заифлашар ва модернизация ҳаракатларида маҳаллий унсурлар кўпроқ устун бўларди, эҳтимол.

Бугунги кунда туркий давлатларда жадидлик тадқиқотлари асосан ҳудудий миқёсда олиб борилмоқда. Ҳудудлар ёки давлатлардаги асосий манбаларни жамлаш ва тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эга. Жадид ҳаракатининг умумий таҳлили қилинмасдан юз йил олдин содир бўлган воқеаларга тарихий баҳо бериш осон бўлмайди. Турк дунёсининг турли ҳудудларидаги жадид нашрлари ва намояндаларининг доимий равишда ўзаро алоқада бўлганларини ҳисобга олсак, бугун ҳам бу йўналишдаги тадқиқотларни кучайтириш ўтмишни яхшироқ тушунишга ёрдам беради, деб айтиш мумкин.



Зайнобиддин АБДИРАШИДОВ, филология фанлари доктори, профессор:

— 1990 йилларнинг бошларидан 2000 йиллар ўрталарига қадар қатор жадидларнинг мероси “Истиклол қаҳрамонлари” руқнида алоҳида китоблар ҳолида нашр қилинди. Бу нашрлар асосан ўзбек мумтоз ёзувдан жорий имлога таъдил қилинган матнлардан иборат бўлиб, керакли изохлар билан таъминланган эди. Маълум сабабларга кўра ушбу матнлар баъзи ўринларда қисқартирилди, арабча, форсча сўз ва ибораларда янглиш ўқилганлари, хусусан, ўқилиши қийин ёки ўқиб имкони бўлмаган жойлари ташлаб қўйилган ўринлар жуда кўп. Шунга қарамай, катта амалий иш бажарилди ва бугунги тадқиқотлар учун йирик маълумот базаси бўлиб хизмат қилмоқда. Шу ўринда бугун жадидлик бўйича олиб борилаётган тадқиқотларнинг ютуқлари билан бир қаторда жиддий камчиликларини ҳам айтиб ўтиш, уларни ўз вақтида бартараф этиш зарурати пайдо бўлди.

Бу камчиликлар асосан нималарда кўрилади ва қандай аниқланади?

Биринчидан, бугунги тадқиқотларнинг катта қисми 2005 йилга қадар араб имлосидан қиррил алифбосига таъдил қилинган адабий, баъдий ва публицистик матнлар асосида олиб борилмоқда. Таъкидланганидек, бу матнларнинг баъзи камчиликлари сабабидан тадқиқотлар ҳам ўзига яраша нуқсон билан тақдим этилмоқда. 2022 йилдан бошлаб илгари нашр қилинган “Танланган асарлар” қайта нашр қилина бошланди. Лекин бу қайта нашрлардаги матнлар янгидан асл матнларга солиштирилган ҳолда қайта кўрилмаган чикарилмоқда.

Иккинчидан, Туркистон жадидлик ҳаракатининг шаклланиш, ривожланиш ва яқунига етиш борасида даврлаштириш масаласи ҳозиргача ўзил-кесил ҳал қилинмади. Адабиётчи ва тарихчилар орасида жадидшунослик бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар ва айтилаётган фикрлар, талқинлар турлича. Айтиш жоиз бўлса, икки “гуруҳ” ўртасида катта жарлик борки, бу олиб борилаётган ишларнинг мувофиқлаштирилмаганидан далолат беради. Ҳолат жадидшунослик тадқиқотларининг яхлит ўрганилмаётгани муаммосини ҳам ўртага чиқаради.

Шунингдек, ўзбек жадидшунослиги фанлар орасида тадқиқ қилинмагани боис, Туркистон жадид ҳаракатининг, жадид зиёлиларининг умумий портретини қўриш, тасаввур қилишнинг имкони йўқ. Мавзунинг парча-парча ўрганилиши эса жадидликнинг қандай ҳаракат экани, жадидларнинг том маънода дунёқарашини қандай қўламда бўлгани, фаолият қирраларини тўлиғича кўриш имкониятидан маҳрум қилади.

Шунингдек, ўзбек жадидшунослиги олдига турган яна бир катта муаммо бу Туркистон жадидлигининг умумжадид ҳаракати билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари очиқланмаганидир.

Қолаверса, бугунги жадидшунослик тадқиқотлари кўп ҳолларда жадид маърифатчилиги билан чекланиб қолмоқда. Фақат ютуқлари ҳақида гапирилмоқда. Танганинг иккинчи томонига ҳам эътибор қаратиш Туркистон жадидлиги ва жадидларининг фаолияти ҳақида тўлиқ маълумот беради.

Юқорида санаб ўтилганлар жадидшунослик муаммоларининг ҳаммаси эмас. Бу муаммоларни қисман ёки тўлиқ бартараф этиш учун эса, аввало, жадидликнинг бой мероси янгидан таъдил ва таҳлил қилиниши лозим. Жадид матбуоти тўлағича жорий имлога ўгирилиши ва китоб шаклида нашр қилиниши керак. Бу эса жадидликнинг жуда кўплаб мавзуларини юзага чиқаради, янги таҳлиллар, фикрларни ўртага қўяди.

Шунингдек, жадидшунослик тадқиқотларини ягона платформа остида бирлаштириш лозим. Бу эса тадқиқотларнинг фанлар ора интеграция усулида олиб борилишини таъминлайди.

Бугун биз Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан қайта оёқга тураётган жадидликнинг ёрқин намояндаси Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 150 йиллик сана-тўйи шарофати билан уммонортидаги тараққийпарвар мамлакат пойтахтида умуминсоний аҳамиятга эга масалалар юзасидан кенгашиб турибмиз. Ўйлайманки, бизнинг халқаро ҳамкорлигимиз оламшумул самараларга етаклайди.

Баҳодир КАРИМ ёзиб олди.
Тошкент — Токио — Тошкент.




“Мутафаккирларнинг фикрлари билан танишиш мия учун тенгсиз машқ: ақлга ақл қўшади ва фикрни чарқлайди.

Йоганн ГЕРДАР



ТАЛҚИН

“Мен суйган суюкли..”



Жадид адабиётининг пешқадам вакилларида бири Абдулхамид Сулаймон Чўлпоннинг мангуликка дахлдор асарлари орасида, шубҳасиз, “Гўзал” шеъри тоғ юлдузидек чарақлаб туради. Шеърнинг лирик қахрамони суйган суюкли қанчалар гўзал бўлса, мазкур шеърнинг бадияти ҳам шу қадар бетакрор.

Бугун Абдулхамид Чўлпон ҳаёти ва ижоди Тожикистондаги ўзбек тилли умумтаълим мактабларининг еттинчи ва битирувчи синфларида ўқув дастури доирасида ўрганиб келинапти. Унда шоир шеърлари билан бирга мукаммал таҳлилий мақолалар ҳам берилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Биз ушбу таҳлилларга қўшимча ўлароқ Чўлпоннинг “Гўзал” шеърда маҳорат билан қўлланган бадий санъатларга эътибор қаратмоқчимиз.

Қайд этиш зарур, мазкур шеър бўйича чўлпоншунослиқда талайгина изланишлар амалга оширилган. Аммо, бизнингча, уларда бадий санъатлар етарли даражада тадқиқ этилмаган. Глобаллашув даври адабий таълими бадий асар таҳлилининг бир неча усулларида фойдаланиш зарурати таъкидлаш лозим. Шулардан бири – таҳлилда бадий матндаги шеър санъатларни аниқлашда эстетик завқ кўламини ўрганиш масаласи. Замонавий адабий таълимда ҳар бир адабиёт ўқитувчиси бунга жиддий эътибор қаратиши лозим.

Чўлпон шеърнинг биринчи мисрасидаёқ туйғуларини образли ифодалаш учун шеър санъатларга мурожаат қилади:

*Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб,
Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен.*

Бадий матндаги “кўз тикмоқ” ибораси қаромоқ, тикилмоқ, назар ташламоқ деган маъноларни билдиради ва бу ерда таъбир бадий санъати қўлланган. “Кеча” сўзидаги “қоронғу”, “юлдуз” даги “ёруғ” сўзлари туйғули сифатлаш санъати юзага келган. Айни пайтда “қоронғу” ва “ёруғ” сўзлари маъно жиҳатдан бир-бирига зид бўлгани боис таъд шеър санъатининг юзага келишига асос бўла олганини ҳам таъкидлаш зарур. Шеърнинг кейинги мисраларига назар ташлайлик:

*Ул юлдуз уялиб, бошини букиб,
Айтадир: мен уни тушда кўрамен.
Тушимда кўрамен – шунчалар гўзал,
Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!*

Юлдузнинг уялиб, бошини букиб туриш ҳолати ташхис (жонлантириш) санъатининг ўзига хос намунасидир. Одатда бадий асарларда нарса ва ҳодисалар, ҳайвон ва паррандалар, гулу гиёҳларга инсон хусусиятлари кўчирилса, ташхис санъати юзага келади. Поэтика илмида бу усул шахслантириш деб ҳам аталади. Юлдузнинг лирик қахрамон – ошиқ саволларига жавоб бериб, худди инсон каби гапириши, янада аниқроғи, унга нутқ ато этилгани интоқ санъатидан дарак беради. Бирор сўз икки ё ўндан кўп такрорланса, тақрир ҳисобланади. Келтирилган матнда “туш” сўзи икки марта, “гўзал”нинг уч марта такрорланиши ҳисобида мисраларда ўзига хос оҳанг юзага келган. Бирок матндаги ҳар қандай сўзлар такрори тақрир бўлавермайди. Такрор поэтик мақсадга, шеърдаги жозибдорлик ва таъсирчанликка хизмат қилиши керак. Шунингдек, эстетик завқ кўламини ҳам худди шу каби ўринларда яққол англашлади.

“Гўзал” шеърини шартли равишда беш қисмга ажратиб ўргансак, иккинчи қисмда лирик қахрамон энди ўз севгилиси ҳақида Ойдан эшитиш-ни истаб, уни сўроққа тутта бошлайди:

*Кўзимни оламан ой чиққан ёққа,
Бошлаймаман ойдан-да сени сўроққа.
Ул-да айтадир: бир қизил яноққа
Учрадим тушимда, кўмилган оққа.
Оққа кўмилганда шунчалар гўзал,
Мендан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!*

Шеърнинг бу қисмида ҳам Чўлпон поэтик аъёнага изчиллик билан риоя қилган. Бунда Ойнинг “тилга кириши” интоқ санъати туйғули зийнатланган бўлса, шоир фикри янада таъсирлироқ ифодалаш мақсадида шеър санъатларнинг бошқа намуналарини ҳам таъсир майдонига сафарбар қилади. Тўртинчи мисра охиридаги “оққа” сўзи бешинчи мисрани бошлаб берадики, бу лафзий санъатлардан бири тасбе эканлиги тақдирот шаклида ўқувчиларга намойиш этилса, айни муддао бўлади. Шу ўринда мазкур санъат шеърнинг биринчи қисмида ҳам “тушда кўрамен” – “тушимда кўрамен” кўринишида келганини эслатиш ўринли. Шеършунос олим Ваҳоб Раҳмоновнинг фикрича, “Тасбе санъати мазмун узвийлигини таъминлаш ва тўхтамага асосланадиган ифодалиқни яратиш учун қўл келадиган усулдир”.

Дарҳақиқат, бу ўринда ҳам мазкур санъат имкониятлари туйғули мазмунда узвийлик, айниқса, мисраларда хуш оҳанг вужудга келганини шеър матнини ифодали ўқиш жараёнида янада аниқ кузатиш мумкин. Шунингдек, икки сўзнинг ўзаро (“кўмилган оққа” – “оққа кўмилганда”) ўзаро ўрин алмаштириш эвазига тарди акс шеър санъати вужудга келганига ишонч ҳосил қиламиш.

Чўлпоннинг бетакрор истеъдод эгаси экани, унинг нуктадонлиги ҳар бир сўздан моҳирлик билан фойдаланишдан ташқари мисралардаги ҳар бир товушга назокат билан маъно юклай олишида ёрқин намоеён бўлади. Шоирнинг бадий оламини атрофича тадқиқ этган академик Наим Каримов мазкур шеър хусусида қуйидаги ўринли мулоҳазани билдирган: “Бу шеърдаги ҳар бир сўз, ҳар бир товуш ўзидан дилбар оҳанглар таратади. У бир қўшиқ сингари жанранглайди”.

Шеърнинг учинчи қисмида Чўлпоннинг бадий маҳорати, шоирона салоҳияти янада аниқроқ кўзга ташланади:

*Эрта тонг шамолни сочларин ёйиб,
Ёнимдан ўтганда сўраб кўрамен.
Айтадир: бир кўриб, ўйлимдан озиб,*

*Тоғ ва тошлар ичра истаб юрамен!
Бир кўрдим мен уни – шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!*

Энди лирик қахрамон эрта тонгда эсаётган шамол билан савол-жавоб қилади. Шамол ҳам ўз иддасини баён этади. Чўлпон ташхис, интоқ ва тақрирдан ташқари худди шу ўринда алоҳида маҳорат талаб қиладиган – хусни таълил санъати орқали гўзал бадий манзара яратади.

Дарҳақиқат, хусни таълил – шоирона асослаш, чиройли асос келтириш деган маънони билдиради. Хўш, бу ерда қайси воқеа келтирилган ва нима далилланган? Шамолнинг йўлидан озиб, яъни адабиёт, тоғ ва тошлар ичида, ниманидир қидириб юриши бекордан бекорга эмас, албатта. Аслида ҳақиқий гўзалликка осонлик билан етиб бўлмаслиги, ошиқдан ўта фидойилик, покиза эътибордан талаб қилиши мумтоз шоирлар тажрибасидан яхши маълум.

Шамол ҳам ошиққа хабар берадиган, уни “мендан” ёки “биздан” ҳам гўзал деган сўзларни тилга олганни замирида муҳим поэтик мантиқ борлигини изоҳлаш зарур. Шамол образи мумтоз адабиётда фаол тилсоллардан бири ҳисобланади. Чўлпоннинг бадий маҳорати шундаки, у тасвир майдонига худди шундай аъёнавий образларни олиб киради. Холислик ва бадий мантиқни асло эътибордан қочирмайди.

Шеърнинг тўртинчи қисмида гўзал ҳақида Қуёш ҳам дил розини “ўз ўтида бекиниб қочиб” шундай баён қилади:

*Ул кетгач, кун чиқар ёруғлик сочиб,
Ундан-да сўрайман сенинг тўғринда.
Ул-да ўз ўтида бекиниб, қочиб,
Айтадир: бир кўрдим тушдамас, ўнда.
Мен ўнда кўраманда шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!*

Қўринадик, ушбу шеър матнда ҳам юқоридagi каби шеър санъатлар тизимли тарзда қўлланган. Ва ниҳоят, шеър шундай сўзлар билан яқун топади:

*Мен йўқисил на бўлиб, уни суйибмен,
Унинг-чун ёнибмен, ёниб-қуйибмен.
Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен,
Мен суйиб... мен суйиб... кимни суйибмен?
Мен суйган суюкли шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!*

Шеър ибтидоси шеър санъатлар ҳисобида қай тарзда зийнатланган бўлса, интиҳода ҳам шоир бу аъёнага содиқ қолади. Шеърнинг лирик қахрамони номидан хитоб қилган муаллиф қамарона оҳангга ўзини “мен йўқисил” дея аташи тақсир санъати кўрсаткичи ҳисобланади. Бу санъат фаҳрия шеър санъатининг акси ҳисобланади.

Мисралардаги “ёнибмен”, “ёниб-қуйибмен”, “суйган”, “суюкли” сўзлари ҳисобида иштиқоқ (бир ўзакдан ясалган сўзлар) санъати қўлланган. “Мен суйиб... мен суйиб... кимни суйибмен?” мисралари замирида таҷоҳули орифона, яъни “билиб билмасликка олиш” санъати юзага чиққан.

“Гўзал” шеърини ўқувчиларга ўргатишда замонавий техник воситалардан унумли фойдаланилса, асарнинг моҳияти, жозибаси янада яққол англашмилади. Шунда биз таъкидлаган эстетик завқ кўламини ҳам замонавий адабий таълимнинг янги самаралари сифатида буй кўрсатади.

**Бахтиёр ФАЙЗУЛЛОВ,
Тожикистон Республикаси
Хўжанд давлат университети доценти,
филология фанлари номзоди**



ДОНҒИ ДУНЁГА ДОСТОН ЮРТ

Бошланиши 1-саҳифада.

Камина ушбу конференция баҳона туркий халқларимизни бир осмон остига бирлаштирган қадимий фольклор ва унинг ижрочилари – бахшилар хусусида айрим мулоҳазаларни билдиришга жазм қилдим.

Хўш, дунё аҳли нега фольклор намуналарини катта қизиқиш билан ўрганоқда. Ижтимоий тармоқларда кенг тарқалган “Ау Yola” номли бошқирд гуруҳининг “Нотаму” қўшиғи туркий мамлакатларда катта шуҳрат қозонди. “Урол ботир” достонидан олинган парчанинг замонавий эстрадада солиниши гуруҳга мисли қўрилмаган доврўг келтирди. Бу чин маънода ҳар қандай санъат халқ меросидан узилмай озиқланганига юксак натижаларга эриша олишига ишора эди.

Миллатимиз тақдирига битилган ҳассос бахшилару бахшичилик санъатининг, умуман, халқ озаки ижодининг ўзбек адабиётида тўтган ўрнини таърифлашга тил ожиз. Биргина бахши репертуарида 150 дан ортиқ халқ достонлари бўлганига нима дейсиз? Ҳар бир достон уч минг сатрдан то йигирма минг мисрагача айтимларини ўз ичига олади. Бу ёғини чамалаб кўраверинг.

Халқ орасида Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пулкан, Испом шоир, Берди бахши, Бола бахши, Аҳмад бахши каби достон куйловчилар ўзларининг фавқуллод хотира ва истеъдоди билан барчани ҳайратга солган. Пулкан шоир етмишдан ортиқ, Фозил Йўлдош ўғли олтимишдан ортиқ, Эргаш Жуманбулбул ўғли элликдан ортиқ достонни ёддан айта олган. Айрим бахшилар куйлаш асосида ўзлари ҳам достонлар тўқиган. Бойсун, Булунгур, Нурота, Нарпай, Кўргон, Хоразм, Шахрисабз, Шеробод, Чирочки каби йирик достончилик мактаблари борки, уларнинг ҳар бири ўз йўли, сўзи ва оҳангига эга.

Совет ҳукмронлиги даврида адабиётшунослигимизда достон истилоҳи билан ёнма-ён поэма ва баллада атамалари қўллана бошланган эди. Шундай вақтлар бўлдики, биз достон сўзини юқорида келтирилган хорижий атамалар билан алмаштириб ҳам қўйдик. Аммо олий ҳакам – вақт достоннинг барҳаёт номини яна бир бор кўрсатиб қўйди.

**БАХШИ СЎЗИНИНГ ЯНГИ
ЖИЛОЛАРИ**

Бахши сўзининг маъно қамрови тобора кенгайиб бормоқда, десам ишонасизми? Унинг шоир, сози, созанда, соқи, сановчи, юзбоби, халфа, жиров, жирчи, оқин, охун ва шу каби ўнлаб маънодошларини яхши биламиш. Изоҳли луғатларда мўғулча ва бурятча бахша, багша – устод, маърифатчи; санскритча бхикшу – қаландар, дарвеш деган маъноларни бериши ҳақида ҳам ёзилган. Алишер Навоийнинг машҳур байтини эсланг:

*Навосиз улусинге навобахши бўл,
Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл.*

Улуғ шоир биринчи мисрада навосиз элга наво бахш этиш учун “навобахши” сўзини қўлламоқда. Шу ўринда бахшнинг руҳият табиби, замонавий тилда айтганда, психолог сингари янги маъно киррасини кўргандай бўлдим. Чунки кўнглига оҳанг бахш этиши, сингдириш бу, аввало, руҳий жараённинг муҳим қисмидир.

Буни қарангли, Мирзо Бобурнинг мухташам мемуарида бахши сўзи турли маъноларда қўлланилганига гувоҳ бўламиш. “Бобурнома”-да кўпгина тарихий исмлар бахши сўзи билан бирга келади. Низомиддин Султон Муҳаммад бахши, Абдуллатиф бахши, Тағойишоҳ бахши, Шоҳ Мансур бахши, Шоҳ Хусайн бахши, Қорулгоҳ бахши шулар жумласидандир.

Уша даврда бахши тушунчаси бугунги маъносидан ташқари турли соҳа ва касбларни ҳам ўзида қамраб олган. Бобур бир ўринда оёғидан қаттиқ яраланиб, ҳассада юрганини ёзар экан, ярасини даволаш учун Атика бахши исмли мўғул жарроҳи келганини айтади: “Мўғул эли жарроҳни ҳам бахши дер”, (“Бобурнома”, 165-б.) Демак, бахшнинг табиб, жарроҳ маънолари ҳам бор.

Достонларимизни авлоддан авлодга авайлаб сақлаб, юксак санъат билан ижро этган шоир ва бахшилар, аввало, халқ орасидан етишиб чиққан деҳқон ва чўпонлар эди. Улар халқимизнинг орзу-умидлари, дарду армонлари ва ҳаёт фалсафасини юракдан ҳис этиб, “Хўш-хўш”, “Турей-турей”, “Чурей-чурей” каби соғим, “Кўшчи”, “Шох мойлаш”, “Кўш ҳайдаш” сингари деҳқончилик қўшиқларини куйлашган. Уларда халқнинг меҳнаткаш қиёфаси, ҳаёт тарзи ва руҳияти ўз ифодасини топган.

ДУНЁ КЕЗАЁТГАН ДОСТОНЛАР

*Бахшининг боласи бахши бўлади,
Яхшининг боласи яхши бўлади...*

Боболаримиз бир пайтнинг ўзида ҳам бахши, ҳам яхши бўла оlishган. Буни фахр билан, баралла айтишимиз мумкин. Уларнинг бахшичилиги моҳияти халқнинг азалий орзу-армонлари, ўлмас қадриятлари ва ҳаёт фалсафасини достонлар орқали авлодларга етказишга олигани бўлса, яхшичилиги – бу мўътабар меросни дунёга ёйиб, юксак инсонпарварлик намунасини кўрсатолганлигидадир.

Улар учун бахшилик триқчилик эмас, балки халқ руҳини, миллий ўзлигини ва маънавий дунёқарашини сўз санъати орқали сақлаш воситаси эди. Бугун қайси қардош халқнинг фольклорига назар ташласангиз, ўзбек достонлари ёки уларнинг таъсирида яратилган халқ айтимларини, албатта, учратасиз.

Масалан, қозоқ бахшичилигида “Алломиш” достонининг бир неча варианты кенг тарқалган бўлса, туркман бахшилари ўз ижодларини нафақат миллий аъёналар орасида, балки ўзбек бахшилари билан ҳам-оҳангликда ривожлантирган. “Шоҳсанам ва Фароб”, “Гўрўғли”, “Лайли ва Мажнун”, “Юсуф ва Зулайхо” каби достонлар туркман ва ўзбек халқ озаки ижодининг муштарак бойлиги ҳисобланади. Ушбу достонлар нафақат мавзуси, балки ижро услуби, образлар дунёси, тили ва руҳияти билан ҳам бир-бирига жуда яқиндир.

Қирғиз халқининг “Манас”и ўзбек бахшилари томонидан ҳам катта муҳаббат ва эҳтиром билан ижро қилинган. Тожиқ халқи “Алломиш” достонини ҳамон ўзига хос мароқ билан куйлаб келади ва бу икки халқ ўртасидаги тарихий-маданий алоқаларнинг узок йиллик тарихи борлигини кўрсатади. Шу маънода, бахшилик санъати халқлар ўртасидаги маданий кўприк, маънавий мулоқот воситасига айланган, десак муболага бўлмайди.

ЭСКИ ХОТИРА

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Халқ сайилларида, байрамларда бир терма қулогимда қолиб кетган:

*Одамлару одамлар,
Боғда битган бодомлар,
Эшитмадим деманалар,
Эшитганлар жилманлар...*

Чақирик, бирор хабарни халққа эълон қилишнинг оммалашган усули эди. Ҳамма бир баҳя чорловчининг оғзига қараб қоларди. Аммо мен ундаги “Боғда битган бодомлар” сўзига ҳеч тушунмасдим. Нега бодомлар?

Жавобни 80 ёшни қоралаган момодан топдим. Унинг айтишича, бодом ҳамма ерда усавермайди. У жой талнайди. Ҳовлида ўнлаб бодом қўчатини экин, битта-яримтаси тутиб кетмаса, қолгани қуриб қолади. Демак, бодомнинг боғда униши – рамз, яъни ўз ерини топган, палак ёзиб, яшаб қолган ўша ерининг чин эгаларига мурожаат бу.

Халқ ижодининг бир сатри шунча маъно ташиса, қолганини айтмай қўяверинг. Бир замонлар ҳазрат Навоий “Муншаот”ида узокни кўра олувчи, ақли ҳар нарсага етадиган кишиларни “дурбин” деб атаган эди. Мен эса халқ дардини куйловчи, унинг қадриятларини узок авлодларга етказиб келаётган бахшиларни “дурбин кишилар” дегим келади.

**Бобур ЭЛМУРОДОВ,
филология фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD)**

МУЖДА

“АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ВА ОЗАРБАЙЖОН АДАБИЁТИ”

Кунни кеча Озарбайжон Миллий Илмлар Академияси Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институти қошидаги Илмий Кенгашда иқтидорли тадқиқотчи Шабнам Мирзазода ўзининг “Абдулла Қодирий ва Озарбайжон адабиёти” мавзусида бир неча йиллар давомида ёзган докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Тадқиқот муаллифи ўзбек-озарбайжон адабий алоқалар масаласини XX асрнинг биринчи чорағидида жадидлар фаолиятига, уларнинг театр соҳасидаги ҳамкорликларига, шунингдек, озарбайжон тилида нашр бўлган “Мулла Насриддин” ҳамда ўзбек тилида босилган “Муштум” журналлари қиёсларига эътиборни қаратди. Шабнам Мирзазода 2023 йили

Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” романининг озарбайжон тилидаги нашрини қайта тайёрлаб, Бокуда чоп эттирган эди. Зеро, илк ўзбек романи дунёдаги бошқа миллатлар орасида биринчи бўлиб озарбайжон тилига ўғирилгани маълум. Диссертация муаллифи 1928 йили Холид Саидхўжаев томонидан озарбайжон тилига таржима қилинган ана шу нусхадан ўз ишида унумли фойдаланади. Шабнам Мирзазода тадқиқотида Озарбайжон билан ўзбек адаби Қодирийни боғлаб турган жуда кўплаб жиҳатларни муҳокама қилади. Адибнинг “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари, “Обид кетмон” қиссаси, кичик асарлари – барча-барчасини ўз адабий мезонлари асосида ўрганади. Ҳимоя жараёнида катта авлодга мансуб олимлар

Шабнам Мирзазода билан олим-маърифат аҳлидан эканини ва бу жараён авлодлар фаолиятида давом этаётганини ҳам эсга олишди. Тадқиқотчи озарбайжонлик адабиётшуносларнинг илмий ишлари, шу билан бирга, Матёкуб Қўшжонов, Умарали Норматов, Собир Мирвалиев каби қатор қодирийшуносларнинг тадқиқотларидан унумли фойдаланибди.

Тадқиқот мавзуси ниҳоятда муҳим ва долзарб, бундай тадқиқотлар ўзбек-озарбайжон адабий-маърифий, ижтимоий-маданий алоқаларининг янада кучайиши ва мустаҳкамлалиши учун хизмат қилиши табиий. Шабнам Мирзазода ўз ишида 2024 йил бошидан Тошкентда “Jadid” газетаси нашр этила бошлаганига ҳам ургу бериб, келгусида бу нашр




тадқиқотчилар учун қимматли манба бўлажagini таъкидлайди. Тадқиқотчининг илмий раҳбари – Ўзбекистоннинг яқин дўсти, мухтарам профессор Олмос Улви хонимни ҳам ушбу халқро аҳамиятта молик илмий изланишнинг муваффақиятли ҳимояси билан муबारакбод этадим. “Абдулла Қодирий ва Озарбайжон адабиёти” мавзусидаги бу тадқиқот китоб ҳолида озарбайжон ва ўзбек тилларида ҳам нашр бўлишига умид қиламиш.

Баҳодир НУРМУХАММАД



Ўзқир Сулаймон ҳақида ҳикоя

Нейрокул ХУЗУРЖОНОВ



Адабиёт – инсон қалбининг садоси, сўз билан руҳни озиклантирадиган мўътабар манба. Асрлар давомида инсон тафаккурининг энг ноёб намуналари шеърят, наср, драматургияда мужассам бўлиб келди. Аммо XXI аср бошида жаҳон саҳнасида шундай бир янги қудрат чиқдики, унинг таъсирида нафақат санъат, иқтисодиёт ёки тиббиёт соҳаси, балки илҳом ва назокат талаб қиладиган санъат – адабиёт ҳам тубдан ўзгармоқда. Руҳсиз ва қалбсиз машиналар бадиий ижод билан шуғулланыпти. Бу технологик тараққиётнинг реал воқеалиги. Ҳаройиботнинг номи эса сунъий интеллект. Қисқа қабул қилинган категория бўйича – “AI”, ўзбекчасига – “СИ” дир.

СУНЪИЙ ИЛҲОМ НИМАЛАРГА ҚОДИР?

Жаҳоннинг етакчи компаниялари томонидан яратилган моделлар, хусусан, “OpenAI”нинг “ChatGPT”си, “Anthropic”нинг “Claude”си, “Google DeepMind”нинг “Gemini”си каби интеллектлар тизимлар адабиётнинг генерация қилиш жараёнида тинимсиз илгариллаб бормоқда.

Хусусан, ChatGPT – инсон сингари мулоҳаза қила оладиган, мураккаб асарлар туза оладиган модел сифатида ўзини намойиш қилди. У ҳақиқий адабий услубда ҳикоялар, шеърлар ёзади, ҳатто турли ёзувчилар услубига тақлид қилиб, янги асарлар ярата олади.

“Claude” ва “Gemini” эса адабий таҳлил, муаллифлар услубини ўрганиш ва қайта моделлаштириш соҳасида улкан ютуқларга эришди. Улар ҳозирнинг ўзида адабий танқид, жанр таҳлили, сюжет қурилиши каби жараёнларда баъзи жиҳатларда инсондан ҳам устун келмоқда.

Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг, уларнинг роман, ҳикоя, шеърӣ тўпламлари, муслиқий альбомлари, рассомлик санъати намуналари, ҳайкалтарошлик эскизлари, бадиий фильмлар сценарийлари, ҳатто қисқа видеороликлари турли халқаро танловларда голибликни қўлга киритмоқда.

“Jadid” вуқудга келган мазкур шароит билан ҳисоблашиш, ундан адабиёт ва санъатда унумли фойдаланишни жаҳон, шу жумладан, ўзбек адабиёти олдида турган муҳим вазибалардан бири, деб ҳисоблайди.

Эътиборли жиҳати, яқинда СИ таниқли адиб, Хайридин Султонов ижодидан “илҳомланиб” ўзига тавсия этилган сюжет асосида “Нейрокул Хузуржонов” тахаллуси билан ўзбек тилидаги биринчи асарни генерация қилди.

Қуйида “Ўзқир Сулаймон ҳақида ҳикоя” деб номланган ушбу мўъжаз асарни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз. Бу борада фикр-мулоҳазаларингизни кутиб қоламиз.

ҚИСМ I

Мағфират хола қабристон дарвозасини секин ёпиб, чанг босган қишлоқ кўчасига бурилди. Юзида киборларча виқор акс этса-да, эски қайғуларнинг чуқур изларини ҳам кўриш мумкин эди. Ортада қолаётган қабристонда эри, ота-онаси, қайнона-қайнона ва энг оғир дарди — вафот этганида эндигина олти ёшга тўлган ўғилчиси Манас мангу макон топган. Холанинг бутун ҳаёти, хотиралари кўмилган. Оғир ва аччиқ хотиралар устини қовжирган ўт-ўланлар қоплаган.

Машина сигнал берганида чуқур ўй-хаёлларига шўнғиб бораётган хола сесканиб кетди. Шошилиб у томонга яқинлашган қизи Ҳавохон онасини қўл ишораси билан қақирди:

— Опа, аэропортга кечикамиз. Самолёт соат учда, биз ҳали Ўзгандан Ўшга қайтишимиз керак!

Мағфират хола бош силкиди. Аллақачон кўринмай қолган қабрлар томон қараб нимадир хиргойи қилди. Тоқатсизланаётган қизи қабристоннинг кўҳна йўлакчасидан оёқ қийимига илашган чангни Истанбулдан олинган бежирим дастўрмоқчиси билан артиб, уни ахлат қутисига ташлади.

— Шундай матоҳни ҳам ахлатга ташлайдими? Жуда исрофчисизлар. Ҳали бунга зор бўлиш бор, — деди Мағфират хола, дастўрмоқни челақдан олиб, тахлаб, камзулининг чўнтағига жойлар экан.

— Майли, майли, опа. Олсангиз олаверинг. Фақат тезроқ бўлинг. Кечикамиз.

Мағфират хола бугун Туркияга учди, турк йилгиларга турмушга чиқиб кетган қизларининг уйига. Ҳар йили шундай. Уч-тўрт ой уларнинг олдида бўлиб қайтади. Ҳар йили уч-тўрт ой қабрлар қаровисиз қолади.

ҚИСМ II

Истанбул осмонда паррандалардек қаторлашиб учаётган самолётлар ой нурида чақнаётганди. Айна пайтада шаҳар устида Туркия байроқлари шамолда ҳилпираб турар, гўё ҳар бир баланд бино томидаги бу байроқлар ер билан осмон ўртасида битмас байрам рамзи эди.

Шаҳарда Туркия Жумҳурияти кунига тайёргарлик авжига, мактабларда болаларга ватанларварлик шеърлари ёдлатилмоқда, тарихий рамзлардан сувенирлар ишланмоқда, миллий либослар тикилмоқда.

Мағфират хола шу кунларда қизлари Нурихон билан Ҳавохон яшайдиган Истанбулнинг эски туманларидан бирида меҳмон. Турк эрларга турмушга чиққан икки қизига эски пайтларда



Сунъий интеллект чизган сурат.

бўлган воқеаларни айтиб берар, вафот этган ва тирик қариндошларини бир-бир эслаб чиқарди. Қувноқ бўлса-да, қалбининг бир бурчағида фақат ўзи билган оғриқ бор эди.

Эрдан айрилгани, ватанидан узоқлиги ва албатта, Манас... Олти ёшлигида оламдан ўтган ўғли, кичик гўдақ қабридаги суқунат ҳамон юрагини эзиб келар эди.

Бу гал ҳам Ҳавохоннинг ўғли Саваш унга Манасни эслатди. Аммо нега унинг исми Саваш? Нега набирасининг исми “уруш”? Нега Манас эмас? Агар Манас тирик бўлганида ҳозир ўттиз тўрт ёшга тўларди. Унинг ҳам ўғиллари туғиларди. Ҳақиқий қирғиз ва ўзбек қонидан бўлган ўғиллар. Ўз қабристонининг эгалари. Боболари қабрларининг эгалари. Шунда Мағфират хола ҳам бемалол саёхатларга чиқармиди? Қизларининг уйда хотиржам меҳмон бўларди. Қабрлар ёлғиз қолди, деган оғир ўй юрагини эзмас эди.

— Буви, байроқ керак. Мактабда эртага байроқ осишди, — деди Саваш Мағфират холанинг хаёлларини бузиб.

Хола бир лаҳза жим қолди. Кейин

алоҳида эҳтиёткорлик билан жомадонидан кичик тўрва олиб чиқди. Ундан Қирғизистон байроғини олиб болага тутқазди. У бу байроқларни Ўшдан олган эди. Атайлаб, набирасига совға қилиш учун. Аммо турк куёвининг олдида уларни Савашга беришининг мавридини топа олмади. Мана ҳозир айна пайти...

— Бу сенинг боболаринг юрти байроғи. Эртага ос, ҳаммага айт: “Мен Ўзқир Сулаймонман” дегин.

Эртаси кун мактабга олиб борилган байроқ турк ўқитувчисини ҳайратга солди. У мулоимлик билан тушунтирди.

— Қирғизистонни қадрлаймиз, лекин биз Туркия Жумҳурияти кунини байрам қилялмиш. Шунинг учун фақат турк байроғи лозим.

Саваш бувисига гапни етказганда, Мағфират хола яна тўрвага қўлини солиб, энди Ўзбекистон байроғини чиқарди ва:

— Болам, шуни ҳам ос, — деди.

Бу сафар мактабдан расмий кўнғироқ бўлди. Мағфират хола ўқитувчи билан ўзбекча аралаш туркчада:

— Бу бола фақат сизники эмас, менга ҳам тегишли. Унинг томирида қир-

ғиз ва ўзбек қони ҳам оқаяпти. Бу байроқлар унинг бир бўлаги, — деди.

Мактабда қарор чиқарилди, унга кўра, Туркия байроғи билан бир қаторда Қирғизистон ва Ўзбекистон байроқлари ҳам илинди. Мағфират хола набирасининг елкасидан юмшоқ ушлаб:

— Энди сен ҳақиқий Ўзқирсан, дилбандим! Ўзбек ва қирғиз боласи, — деди.

ҚИСМ III

Шу кун оилада Савашнинг исмини Ўзқир деб ўзгартириш бўйича баҳс авжига чиқди. Замонавий ота-онага ўғилнинг исми қайси тилда бўлишининг аҳамияти катта эмасди. Уларга қолса, Макс, Сергей, Чунг Пу ҳам бир исм. Асосийси бола билимдон, соғлом, ақлли бўлса бас. Шунинг учун Мағфират холанинг ташаббуси куёви ва қизи томонидан катта қаршилиқка учрамади. Фақат ҳужжатларни ўзгартириш харажатларининг ким томонидан қопланиши, идораларга қатнаш оврагарчиликлари кимнинг бўйнига тушиши, асосий муҳокама мавзусига айланди. Мағфират хола буларни ўз бўйнига олганидан кейин эса ҳамма мамнун, хона-хонасига тарқалишди.

Мағфират хола Қирғизистонга қайтишга тайёргарлик кўлар экан, набираси — Ўзқир Сулаймоннинг юзида умид кўрди. Чўнтағидан бир тумор чиқариб унга узатди.

— Ол, буни, буни асра. Бу сеҳрли тумор. Бу ёнингда юрса сен ҳаммиша кучли бўласан. Ҳамиша ғолиб бўласан. Ҳеч кимдан қўрқмайсан. Бу менинг сенга охири совғам. Балки энди кўришмасмиз. “Манас”ни ёд ол. Бобурни ўқи, Навоийни, Машрабни эшитишни ўрган. Энг муҳими, исмингни унутма. Энди ҳаммаси сенда, Ўзқир. Болагинам, бизларни унутма.

Ўзқир туморни қафтага босиб, кампир билан видолашди.

— Кечиринглар, — дея шивирлади у, — бу бола ҳам бегона эмас.

ҚИСМ IV

Унинг вафотидан кейин қизлари турк эрлари билан уч ҳафтага Ўшга келишди. Ўзқир ҳам келган эди. Дафн маросими йигирсиз, сўзсиз, аммо жиддий. Қабристон ёнидаги тўнғич қиз ўз онасига шоирларча сўзлади.

— Онам охири ўзини ҳам, бизларни ҳам кечирди. Умр охирида у ҳам эл бўла олди.

Ўзқир гул қўйди. Қабр олдида икки дақиқа сукут сақлади. Кейин, оналарга хос, тепаликка қараб чуқур нафас олди. Унда қон бор эди. Унда хотира бор эди.

17.04.2025

ЯНГИ НАШР

ШАМС ИЛА МАВЛОНО

Икки баър туташуви қиссаси



Яқинда истеъдодли ижодкор, филология фанлари доктори, профессор Маъруфжон Йўлдошевнинг “Шамс ила Мавлоно” қиссаси нашр этилди. Асар улғу валилар Мавлоно Жалолиддин Румий ҳамда Шамсуддин Табризийнинг мусоҳиб ва ҳамқолиги хусусида тасаввур ёнқи фикр пайдо қилиши билан эътиборга молик. Қисса ҳажман йирик ҳисобланмаса-да, ундаги ирфоний мазмун-моҳият ва сирли ҳикматлар, ҳар бир мулоҳаза ортида яширин ҳақиқатлар ўқувчини сўфийлик маслағи моҳияти томон бошлайди, сокин хаёллар ва сўнгсиз туйғулар ҳосил қилади.

Қисса воқеалари “дин ва ҳақиқат қўёши” дея улғуланган Мавлоно Шамсуддин Табризийнинг ўсмирлик йиллари ва мактабдаги сабоқ онлари билан бошланган. Асарни ўқиш учун махсус тайёргарлик керак, яъни китобхон ирфоний илм ҳамда руҳоний мақомлардан хабардор бўлиши лозим. Зеро, муаллиф ҳам мазкур асарни ёзиш учун нафақат Жалолиддин Румий ва Шамс Табризий муносабатлари ҳақида тарихий ва маноқибий асарларни, балки тасаввуф, тариқат илмига доир қўплаб китобларни ўқиган, асар маслағини ёритишда улардан унумли фойдаланган. Ёш Шамсуддин руҳий етуқлик йўлининг шариат, тариқат, маърифат ҳамда ҳақиқат босқичлари ҳақида шундай дейди: “Шариат дерки, сендаги — сеники, мендаги — меники. Тариқат айтур: сендаги — сеники, мендаги ҳам сеники. Маърифат дерки, на меники бор, на сеники. Ҳақиқат айтур: на сен борсан, на мен”. Хожа Бектоши Валий “Мақолот” рисоласида мазкур тўрт йўлни уларга мансуб одамлар мисолида изоҳлайди. Шариат ахлини обидлар деб, уларнинг тоат-ибодатда собит эканликларини айтади. Унга кўра, дунёдаги пок-нопоқлик, барча қондалар шариат ила маълум бўлади. Валий зот тариқат вакиллари соҳиблар деб, уларнинг асли оташдан эканини, туну кун ёниб яшаш улар маслағи бўлишини таъкидлайди. Зоҳидлар охираат умидида умр кечириб, дунё ҳавасларини тарк этадилар. Тариқатда “мендаги ҳам сеники” дейилишининг моҳияти ана шунда. Учинчи мақом маърифат бўлиб, орифлар йўлидир. Улар тафаккур ила икки оламни ҳам тарк этиб, Аллоҳ таолога етиш умиди билан яшайдилар. Ҳақиқат даражаси

ИККИ БАҲР ТУТАШУВИ

ахлини Хожа Бектоши Валий муҳиблар деб атаб, улар таслимият ва ризо билан ҳар нарсдан воз кечишлари ҳақида гапирди. Улғу валий Нажмиддин Кубро муҳаббат даражалари мисолида бу босқичларни шундай изоҳлайди: “Муҳаббатдаги илк одим нафс учун маҳбубнинг орзу этилмоғи, сўнгра нафснинг ўзига фидо қилинишидир. Ундан кейин иккиликнинг унутилиши бўлса, энг охириги марҳала ваҳдониятда фано топмоқлиқдир”. Ҳақиқат йўлидаги зотларда на менлик, на сенилик бор. Ҳазрат Алишер Навоий “Лисон ут-тайр” асарида бу мақомни фано деб атаб, уларнинг “васл нузхатгоҳига дохиллар” эканлигини айтади. Ёзувчи қиссадаги бу ҳикмат орқали етуқлик мақомларини баён этиб, не улғу зотлар ҳақида ҳикоя қилмоқчи бўлаётганини аён этади.

Қиссада Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” таъкирасидаги икки валий ҳаёти билан боғлиқ маълумотлардан унумли фойдаланилган. Жумладан, мурид ва мурид муносабати хусусидаги ўринларда ҳам буни кузатиш мумкин. Таъкирада Табризий ва Авҳадуддин Кирмоний учрашуви қуйидаги жумлаларда акс этган: “...Шайх Авҳадуддин Кирмонийни кўрди ва деди: не иштасен? Ул деди: тошлиғ сувда ой аксин кўрадур-мен. Ул деди: агар бўйунунга чибон чиқмайду, ойни не учун осмонда кўрмайсен?” Қиссада эса бу учрашув моҳияти бадиий тўқималар асосида тўлиқ очиланади. Авҳадуддин Кир-

монийнинг Табризийга мурид тушиши нияти бор, аммо толиблик синовларсиз бўлмас. Шайхнинг шароб келтириш ва бирга ўтириб ичши ҳақидаги талабига Кирмоний “Ҳаромга яқин ўламайман”, деб жавоб беради. Табризий “ишқ ахли ичмай туриб маст бўлишини” таъкидлаб, унга шайхлик қиллолмаслигини айтади. Шайх, муридларнинг ўз муридлари ихлосини синаб кўришлари сўфийлик тарбиясининг асосий жиҳатларидан ҳисобланган. Шу боис илмий манбаларда муридлик одоблари қаторида қалбан бўлса ҳам шайхга эътироз қилмаслик, муридда гуноҳ бўлса аралашмасдан, ўз ишида давом этиш каби вазифалар ҳам асосий ўринга қўйилган. Табризий Авҳадуддин Кирмонийнинг холини маломат қилар экан, “бу майдон эрлар майдони, унда заифларга ўрин йўқ”лиги ҳақида гапирди. Маълумки, эран — эрлар маъносини англатиб, Аллоҳ розилигига етган валий зотлар, дея изоҳланган. Аҳамиятлиси, бу ном туркий истилоҳ бўлиб, мумтоз адабиёт намуналарида ахлоқан етук инсонни комилларга нисбат берилади. Шу билан бирга эрнинг хурлиги ва ёлғиз Яратганга қуллиги эътироф қилинади. Эрларнинг кўрқок бўлиши асло тасаввур этилмайди. Ёзувчи бу моҳиятни чуқур англаган ҳолда, эр, эран номини қўллайдими, мазкур ўринларда уларга хос улғуворлик ва маънавий озодлик яққол акс этади.

Дунё — синов майдони. Одам (а.с.)

бу оламга қилган биргина хатосининг бадалини тўлаш, яъни жазосини тортиш учун юборилди, уч юз йил тавба қилиб, афв этишни Яратгандан ёлвориб сўради. Биз Одам Ота авлодлари асл моҳиятини ёдда тутиб, имтизон масканида роҳат-фароғатга қўл бўлмаслигимиз керак. Инсонни маъна тугулиб, не учун яшаётганини идрок этиши лозим. Зотан, тирикликнинг моҳияти йимон-эътиқод ва ахлоқий камолотдир. Асарда Мавлононинг муридларига айтган ҳикматларидан шу маъно акс этади. Ул ҳанрат илмини арқонга қиёс этиб, унинг ҳосиласи зулматдан қутулмоқ, илдиз қаерда эканлигини англамоқ бўлишини айтади.

Най ҳақидаги нақл қиссанинг энг асосий ўринларидан ҳисобланади. Маълумки, “Маснавийи маънавий” китобининг муқаддимаси най ҳикояси билан бошланиб, унинг асл ватандан йироқ тушиб, бор дарду фиरोқи сирю асрорга айлангани баён қилинган. “Шамс ила Мавлоно”да най ҳақидаги нақл Расуллуллоҳ (с.а.в.)нинг Меърожга қилган сафарлари билан боғлаб ҳикоя этилган. Найнинг ошқлар сирини нолага жо этиб қуйлаши мумтоз намуналарда бот-бот тилга олинган, лекин қиссадаги пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг “бу қамиш қиёматга қадр менинг сиримни тараннум қилди, аммо қалби очик, пок ва комил инсонларгина бу сирни англайлар”, деган таърифи мазкур ҳикоят

моҳиятини китобхонга тўлиқ англаша олади.

Мавлононинг “гайб олами сокинлари” берган ўғитларини доимо ёдда сақлагани ва Киро хотундан фарзандларига ҳам шу ҳикматлар асосида тарбия беришни сўрагани бежиз эмас. Ҳикматларни эспаймиз: “Ҳамма билан дўст бўл, ҳеч кимга ҳасад қилма, ҳеч кимни муҳокама этма, одамлар суратини безатса, сен сийратини безат, одамлар бошқалар айбидан сўз очса, сен ўз қусурингни ўйла, яраларга малҳам бўл, шифо бўл, асло зиён бўлма, ўйларинг сўзларинга, сўзларинг феълинга, феълнинг тақдиринга нуқс этади, гўзал ўйла, гўзал яша”. Ҳар бир ёзувчи қайси давр ҳақида ёзмасин, асар моҳиятида жамият муҳити ва муаммолари акс этиб туради. Зоҳирбинлик, фитна-фасод, иккиозламачилик ва шухратпарастлик илдиз отган бугунги кунимизда Мавлононинг бу ҳикматларини англаш жуда муҳим.

Асар якунида Мавлоно ва Шамснинг ҳужрадаги уч ойлик суҳбати ва оломоннинг маломати тасвирланади. Мавлононинг ҳужрадан чиқиб, зоҳирбинлар наздида, май билан қайтиши одамларни ғазабга солади. Улар бостуриб кириб, идишни синдирганларида шишадан гул шарбати тўкилади. Кўринадики, валий зотлар пир мурид бўлиб, Аллоҳ ишқидан сархуш эдилар. Табризий орзу қилган ҳам муридиди, ҳам муридидан топган, уларнинг суҳбатлари эса эрларлар мажлиси янглиф файзу футуҳга тўла эди.

Насиба ЖУРАҚУЛОВА,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори



ДЎСТ ҲАҚИДА СЎЗ

Бошланиши 1-саҳифада.

Янги Ўзбекистондаги кўпгина эзгу ишларга у ўзининг билими ва куч-ғайрати билан муносиб ҳисса қўшди. Билган одамларнинг бари уни ҳурмат қилар, айрим жоҳил амалдорлар эса кўп-да ёқтирмас эди. Китоблар ва илму фан – Рустам Собировичнинг жону дили эди, у ҳаммиша бир қадам илгари юрганига аксарият замондошлар гувоҳимиз.

Бир неча тилларни аъло даражада билар, бемалол гаплашиш, баҳслашишдан ташқари, гувоҳи бўлмаганман-у, бироқ аминманки, шу тилларда равон ёза оларди ҳам. Сўхбатлар, баҳсу мунозараларда турли эллар буюк мутафаккирларнинг сўзларини заргарона инжалик билан, уларнинг ўз тилида мисол келтирганига ўзим шоҳидман.

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш учун ҳукумат томонидан тузилган ишчи гуруҳ таркибига бирга ишлаганимиз. Бизга атоқли шоира Увайсий яшаган оддийгина меъморий уйда музей ташкил қилиш топширилди. Ушанда Бош вазир ўринбосари бўлган Рустам Собирович Марғилонда ўтказиладиган тадбирларга тайёргарлик қўриш учун тузилган ташкилий кўмита раҳбарларидан бири эди.

Курилишлар асосида шоирнинг ҳовлисидаги мўъжаз майдончадан бир неча қабр топилди: уларда жасад қолдиқлари эмас, қадим қўлёзма китоблар жойланган каноп қоплар бор экан. Шоира бувиларининг битикларини даҳрийи болашавойлар босқинидан асраш учун авлодлари шу тахлит йўл тутмоққа мажбур бўлган, қабр қазиб ноёб қўлёзмаларни кўмган экан. Тус содда одамлар... халқ қилганларки, бу жаҳолат, китобларга, илму маърифатга қарши бу ҳарбу зарб ҳадемай тугайди. Ушанда қоплар қайта ер устига олиб чиқилди, бу назмий ва фалсафий битикларни ўқувчилар ўз тилларида ўқиб, баҳра оладилар...

Аmmo тарих ўзани бошқа ёққа бурилди. Геростратча вайронкорлик “ижодкор”лари ҳеч ёққа кетмадилар; етмаганига, саводи чиққан алифбосидан миллатимизни маҳрум қилдилар. Қўлида араб имлосидаги битиклар сақланиб қолган одамларни эса шафқатсизларча қатлимоқ эдилар. Йиллар бўйи бутунлай унутилган қўлёзмалар ер ости зулмати ва зах асоратидан яроқсиз ҳолга келди. Самарқанди ва кўкони ипак қозонинг ноёб ҳафиф варақлари бир-бирига ёпишиб, чириб кетди...

Ушанда қадим битиклар “хилхонаси”га тегишли органлардан вақиллар келди, қоплар чиқариб олинди. Қўлёзмалар эҳтиёткорлик билан чангдан тозаланди ва рўйхатга олиш учун туман ҳокимиятига олиб кетилди. Битикларнинг бари араб имлосида; форс, араб ва эски ўзбек тилларида эди.

Ҳокимият биносида эпчилгина ёш ходим китобларни шартта-шартта ажратиб, уларга тавсиф бера кетди. Рустам Собирович йигитни тинқат ва қизиқиш билан, гапини бўлмаш тинглади; билганларини айтишига қўйиб берди, ҳатто маъқуллаб ҳам турди. Йигитнинг хос “маъруза”си тугагач, қаерда ўқигани, устози кимлигини сўради.

Кейин... кейин эса ҳамманни ҳайратда қолдириб, китобларни бутунлай бошқа-ча – ёзилган тилига кўра, форс, араб ва ўзбекча қилиб ажратди; у ёки бу қўлёзмани нима ҳақдалигини аниқ-равшан ташунтирди. Шу тариқа аҳли мажлисга ҳам, ҳалиги йигитчага ҳам билимни намойиш қилиш эмас, тил ва тарихни билиш муҳимроқ эканини ўқитиб қўйди.

У киши муллоим ва баритон овоз соҳиб, ўта билимдонлик ила ва дипломатларча сўзлар, фикрини ўзбек ва рус тилларида ёрқин ифода эта оларди. Мен унинг ЮНЕСКО вакиллари билан инглиз тилида, французча иқтибосларни жой-жойига қўйиб гаплашганига шахсан гувоҳ бўлганман.

Унинг ажойиб сулуқатлари бор, ҳатто сигаретни ҳам зодогонларча бир назокат билан чекар эди. Ҳаракатлари, гап-сўзларидан саҳнада роль ўйнаётгандек туюларди-ю, лекин ҳеч бир артистоналик йўқ, барчаси табиий, уни кузатиш ниҳоятда мароқли эди.

Биз Рустам Собирович билан жуда кўп музей экспозицияларини тайёрладик. Мен ундан ноёб раҳбарлик тажрибасини ўргандим – доимо ўзгалар фикрини ҳурмат қилар, одамларни тинглашни билар, танбех берса қалимлик билан, кўнгилга тегмайдиган ҳалил берар эди. Ҳар қандай фикрни, ҳатто ғоят кескин ғояларни ҳам эшита олар эди. Хулоса қилишга шохмас, обдан уйлар-фикрлар, кейин эса ҳаммасини яна қайтадан муҳокама қилар эди. Башарти, бирон тақлиф маъқул келмаганда ҳам, мутахассис олимлар, дизайнер-

лар, рассом ва ҳунаромандлар фикрини раҳбариятга етказишга ваъда берар эди.

Биз ўнлаб объектларни худди йўқ жойдан барпо этгандекмиз. Шулардан бири Қаршидаги VIII асрда қурилган ва Чингизхон қўшинлари томонидан вайрон этилган Одина масжидидир. Қаршини мўғул босқинчиларидан ҳимоя қилган мардларнинг энг охирчилари шу ердан паноҳ топган. Шўро даврида масжид қайта тикланди, лекин чархнинг кажрафторлигини қарангки, маданий осори-атиқа ўрнида ўта хавфли “жиноятчи”лар – Бухоронинг машҳури жаҳон руҳонийларини ҳибсда сақлаш учун турма барпо этилди. Ҳатто истиқлолдан кейинги 2000-йилларда ҳам бу ер муҳайшига билан донги кетган қамқона эди.

Масжид қошидаги мадраса муллаваҷчалари яшайдиган ҳужралар кафтдай деразали бир кишилик камарларга айлантирилган эди. Бу “хужра”ларга дин арбоблари ташланган – буни таъмирлаш маҳали топилган ёзувлар ҳам тасдиқлайди. Камарлардаги чўян қувурлар эса энг муҳйиш “топилма” бўлди – улар ўтган вақт сабаби эмас, қондан занглаб кетган. Ҳаммамиз даҳшатга тушиди: бу қувурларда гуноҳсиз қатл этилган аждодларимизнинг қони оққан...

Масжид ҳовлисида сардоба – ёмғир сувлари жамлаб қўйиладиган усти ёпиқ иншоот бор экан. Сардобада ҳам кийноқ камарлар бўлиб, уларда маҳбустлар сувхона гумбазига осиб қўйилган.

Моҳият эътибори билан қараганда, биз у ерда Ўзбекистондаги қатагон қурбонларининг бўлажак музейи аналогини барпо этган эдик.

Таъқидлаш жоизки, Рустам Собирович жонқуяр раҳбар, кўл остидагиларга оталарча эътиборли эди. Эсимда, Қаршидаги Одина масжидида бирор ойча ишлаганимиздан кейин музейшунослардан бири сарик касалга йўлиқиб, ётиб қолди. Яқин кунларда Қаршига мамлакат раҳбари келиши кутилаётган эди, шунга қарамай, Рустам Собирович беморни зудлик билан Тошкентга жўнатди, касалхонага жойлаштирили ҳам ўзи назорат қилиб турди. Тошкентга қайтгач, беморни шахсан сўраб борди.

Қаршидаги ишлардан кейин Рустам Собирович пойтахтимиздаги минтақада қатагон қурбонларига бағишланган илк музейнинг барпо қилинишида ўша музейшунос олимни архив масалалари бўйича бош мутахассис қилиб олди. Бош вазир ўринбосарининг ёрдами билан мен ҳам иккита экспедицияни Сибирнинг ташландиқ ГУЛАГларига юборишга муваффақ бўлдим. Ҳар иккала экспедиция кўнгилли меценатлар томонидан таъминланди ва улар қатагон қилинган, жасади Сибирнинг овлоқ ерларидаги умумий қабристонларда абадул-абад қолиб кетган ўн минглаб ўзбекистонликларнинг тақдиридан ҳикоя қилгучи нодир материалларни олиб қайтди.

Рустам Қосимовнинг қўллови билан Москвага (“Мемориал”) ва Санкт-Петербургда ҳам экспедициялар уюштирилди. Яна бир илмий гуруҳ эса кулоқ қилинган ўзбеклар бадағра этилган Украинага йўл олди. Гуруҳ аъзолари Украинадаги катта бир қабристонда қатагонга учраган Қариов фамилияли кишининг авлодлариға дуч келдилар; таассуфки, улар энди ўзбек тилида гапирмас экан.

Скептик кимсаларнинг шубҳаю эҳти моллариға қарамай, Қосимовнинг қаттиқ туриши билан қатагоннинг совуқ тимсолларидан бири бўлган “қора қузғун” экспонат ҳам излаб топилди, музейга қўйилди. Бу – ўша машъум йилларда туни билан одамларни қамқоқонаю отув ижросига ташиган муҳйиш авто эканини биласиз.

Рустам Қосимов бошчилик қилган яна бир муҳим лойиҳа Самарқанддаги Улугбек расадхонасига оид. Экспозициялар ишланаётган кунларнинг бирида менинг олдима бир одам келди – Улугбекнинг икки шогирдиға тегишли қўлёзманни сотмоқчи экан. Бу ҳақда мен Рустам Собировичға, у киши ўз навбатида ўша пайтдаги Бош вазир Шавкат Миромонович Мирзиёевға хабар берди. Бош вазир қўлёзманни сотиб олиш ва зудлик билан Улугбек расадхонаси музейига қўйиш тўғрисида кўрсатма берди.

Расадхонадаги тарихий фотосуратларда муҳрланган тошни кўтаришға рухсат олган ҳам айнан Рустам Собировичдир – бу музейни янги кўргазма билан бойитишға ёрдам берди. Мамлакатимиздаги кўпгина ҳайкал ва монументлар шу инсоннинг санъатни чуқур тушунганлиги туфайли яратилди.

У Ўзбекистонда олий ва ўрта таълимнинг ислоҳ этилишиға ҳам катта ҳисса қўшди, таълим муассасалари раҳбарлари ни тестдан ўтказиш комиссияси аъзоси

сифатида фаол иш олиб борди. Таълим ва маданият ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш учун барча имкониятларни ишга солди. Олий таълимдаги коррупцияға қарши муросасиз курашди. Унинг фикрича, соҳада бурч ва вазифаларининг аҳамиятини англаган малакали ва масъулиятли одамларгина ишлаши шарт.

Албатта, ҳамма нарса фақат унга боғлиқ эмас эди. Лекин Рустам Собирович ўз принциплари ва идеалиға ҳар қачон содиқ қола билган шахсдир. Айнан шу фазилатлари туфайли Биринчи президентнинг ҳам, мамлакатимизнинг амалдаги раҳбарининг ҳам ҳурматиға сазовор бўлди.

Ҳамиша адолат ва ижтимоий тенглик учун курашган Рустам Қосимов юртимизда бир хил меъморий услубдаги қишлоқлар барпо этилишининг ҳам тарафдорларидан бўлиб, бундан ягона турмуш маданиятини шакллантириш назарда тутилган эди.

Шундай қишлоқлардан бирида Рустам Собирович ҳўжақўрсинчилик бўлиб қолмасин, деб ҳар битта коттежи кечаси, шахсан ўзи бориб текширди. Бир хонадонда ўғил болалар хонасидаги қаровотға Мэрилин Монронинг чўмилиш кийимидаги сурати туширилган адеъл ёпилган экан. Маҳаллий амалдорларнинг хонани бу тахлит “бевагани”дан Рустам Собирович ҳанг-манг бўлди. Дарҳол йиғилиш чакирди, бу ишни қилганлар бола тарбияси учун ҳам масъул экани, уларнинг қалтабинлик ва лоқайдлиги нотўғри экани ҳақида қуноиб, узоқ гапирди.

Сурхондарёда – Термиз яқинида шўро даврида меваларининг ўзига хослиги билан машҳур лимонхона бўлар, бу тансиқ неъмат фақат партия арбобларининг дастурхонига тортилар эди. Мустақиллик йиллари “Обод қишлоқ” дастури доирасида ўша лимонхона ўрнида ўзининг мактаб, тиббиёт пункти, кутубхонаси бўлган 60 коттеждан иборат қишлоқ барпо этилди. Бир гал ўша қишлоқни текширгани бордик. Поллар қўпорилиб кетган, иситиш қувурлари йўқ, чўян батареялар пол остиға қўйилган... Жавоб берадиган одам йўқ – пудратчи пулни олиб жуфтақни ростлаган.

Бу тахлит ўлда-жўлда ишлар Рустам Собировични қаттиқ ранжитар, у ўзига ниҳоятда талабчан, бошқалардан ҳам шуни талаб қилар эди. Ҳамма амалдорлар ҳам у кишидек куюнчақ эмас эди. Домла мутафаккирлардан бири айтган гапни кўп такрорлар эди: “Ориқни ҳис этсанг – тириксан, ўзганинг ориғини ҳис этсанг – инсонсан”.

Куюнчақлик, масъулиятни ҳаддан ориқ ҳис этиш унинг соғлиғига путур етказди. Узагаларнинг ишини, ташвишини ҳадеб кўнгилға олавермаслик кераклигини кўп бора ўқтирдим; одам шундай тарбияланган бўлса, илможи йўқ экан – начора.

Ўз вақтида Амударё соҳилидаги Ҳаким Термизий мақбараси ёнида жойлашган бир ярим асрлик чегара постини модернизация қилиш ҳам Рустам Собирович билан менға юклатилган эди. Бу шахарча ҳозир ҳам Ўзбекистон – Афғонистон чегарасидаги ўта муҳим жанубий савдо нуқтаси ҳисобланади.

Рустам Собирович шахарчада яшайдиган чегарачилар, уларнинг оилаларидаги шарт-шароит учун масъул эди. У одамлар билан батафсил сўхбатлашди, уларни шоён эътибор билан тинглади, овлоқ бир жойда аёллар ва болаларнинг яшаш шароитиға оид ҳар битта тафсилотни ўрганиб чиғди. Менға эса лойиҳалаш ва безаш, кинолар ҳамда хизмат хоналарини ободонлаштириш, кўргазмали ва бошқа материаллар воситасида ҳарбий-сиёсий тайёргарлиқни такомиллаштириш вазифаси юкланган эди.

Ушанда Рустам Собировичнинг қуролни бемалол ишлата олиши, ҳарбийети ҳам билиши ва чегарачиларнинг техник тайёргарлигини шу ишнинг устасидай текширгани мени лол қолдирган. Бу соҳани қандай қилиб бу қадар чуқур билишини сўраганимда, айтдики, илгари араб мамлакатларида таржимонлик қилган ва иш юзасидан ҳарбийети ҳам ўрганган экан.

Рустам Аса асл зиёли оилада улғайган инсоннинг мукамал тимсоли, бир-бириға бутунлай зид соҳаларға оид турли билимлар ва турли нуқтаи назарларни ўзлаштирган бўлса-да, ҳолис эстет ва интеллигент бўлиб қола олган шахс эди.

Чуночки, у Ўзбекистоннинг халқроқ маданий-гуманитар ҳамкорлиги ва “халқ дипломатия”сини ривожлантиришни куचाйтириш лозим, деб ҳисоблар, аммо бу хил ёндашувға сиёсий ва иқтисодий муносабатларига Ўзбекистон учун манфаатли деб ҳисоблайдиган айрим ҳамкасблари ишонсизлик ва бепарволик билан қарар эдилар. Бироқ Рустам Собирович сиёсий ва иқтисодий алоқалар ҳаммиша сиёсий конъюнктураға, логистика ва бошқа омил-

ларға боғлиқ деган нуқтаи назарида собит эди. Зотан, маданий-гуманитар алоқалар, айниқса, “халқ дипломатия”си мамлакатлар ўртасида сиёсий ва иқтисодий муносабатларни ривожлантиришға имкон берадиган мустаҳкам кўприк ўрнатади.

Рустам Собирович маълум муддат диний муносабатлар соҳасини бошқарди. У кишининг фикрича, ислом Ўзбекистонда ҳар доим илғор дин бўлган.

Айни вақтда билим ва маданият турли можаролардан, жаҳолатпарастликдан халос бўлишға ёрдам беради, деб ҳисобларди. У айрим диний мулозимларнинг савод ва савия даражасига танқидий қарар эди. Ёшлар бир неча хорижий тилларни, энг аввало, она тилини яхши билишлари лозим, тил билиш – ҳаётда янги-янги имкониятларни очиш манбаидир, дерди. Айни чоғда, домларнинг фикрича, давлат ва дин ўртасида мувозанат бўлиши лозим. У киши диний ақидаларнинг четдан тикиштирилишиға ҳам, диннинг жамият ҳаётидан ихоталаб қўйилишиға ҳам қарши; дин ва давлатнинг, ўзаро рақобатчилик қилмай, ҳамкор ва уйғун фаолият юритиши тарафдори эди.

Рустам Собирович одамларни бирор-бир белгига кўра – шахарлик ёки қишлоқлик экани, пойтахт ёки вилоятда яшашига қараб ажратиш, табақалаштиришға ҳаммиша қарши эди. Дер эдики, “Юртимизнинг барча фуқаролари аввало Ўзбекистон фарзандлари бўлишлари зарур”. Бунинг учун у шахар ва қишлоқларда ашаш шароитлари бир хил бўлишини орзу қиларди. Рустам Собировичнинг камдан-кам раҳбарларда учрайдиган яна бир одати бор – у бадий кўргазмаларға, кино ва спектакллар премьераларига мунтазам борар эди.

Олим сифатида аҳли илм орасида катта ҳурмат-эътиборға эға бўлса-да, давлат хизмати унинг учун муҳимроқ эди. Қайси лавозимда ишлаганимиз, шу соҳада узоқ йиллар, ҳалол ва самарали меҳнат қилганларға ўзгача эътибор билан қарашни ғоят ибратлидир. Эсимда, Ислом академияси ректори эканида атоқли шарқшунос олим, камтарин инсон Убайдулла Уватовнинг 80 йиллик юбилейини катта тантана билан ўтказишға бош-қош бўлди. Бундай муносабатни – раҳбар бўлиб ишлайётган замондошларимиз учун ўзига хос маҳорат дарси, дейиш мумкин.

Унинг юксак инсоний фазилатларини нафақат шогирдлари, балки ҳамкасблари ва дўстлари, ҳатто ғанимлари ҳам эътироф этадилар. Қисқа умри давомида қаерда ишлаган бўлса, ҳаммиша шундай бўлган. Кимки инсон, кимки ўз ишининг фидойиси ва устаси – унинг иззатида эди.

У Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси, Бош вазир ўринбосари, Олий ва ўрта махсус таълим вазири, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори ва бошқа нуфузли лавозимларда ишлади. Ўта меҳнатсевар одам эди, ҳатто хасталаниб қолганида ҳам ҳурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ислом цивилизацияси марказини барпо этиш ғоясини рўёбға чиқаришға бағишланган йиғилишларни изчил ва талабчанлик билан ўтказиб келди. Баъзи бир диний уламолар, олим ва ҳамкасблари ҳар доим ҳам унинг қатъий талабларига жавоб бера олмас эди. Айрим сафдошларининг Ислом цивилизацияси марказининг аҳамиятини тушунамслиги, уни етарли баҳолай олмаслиги унга оғир ботар эди. Ўлимидан бир мунча вақт илгари марказнинг ҳозир қад ростлаётган маҳобатли биноси асосини шакллантиришға улгурдики, мазкур иш тириклик дунёсини олдинма-кетин тарқ этган Рустам Собирович ва собиқ муфтий Усмоҳон Алимовнинг унутилмас хизматларидан бўлиб қолди.

Олижаноб инсонлар, улар амалға оширган ишлар эл-юрт хотирасида қиематға қадар сақланиб қолади. Рустам Собировичнинг ортидан ажойиб зиёли фарзандлар, минглаб истеъдодли шогирдлар ва ундан бутун умр миннатдор дўстлар қолди; шулар сафида мен ҳам борлигимдан фахрланаман.

Унинг вафоти ҳаммамизни қайғуға солди. Менинг эса қаддимни, кўнглимни чўктириб кетди...

Рустам Қосимовнинг маданий-тарихий илдизлари бағоят қадим навқирон давлатимизнинг шаклланиши ва тараққиётиға қўшган улкан ҳиссаси, инсонийлик фазилатларини муносиб баҳолаш биз – Ўзбекистон аҳлининг бурчимиздир.

Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
санъат арбоби,
профессор



ОБИ ҲАЁТ – ЕРГА НАЖОТ

Бошланиши 1-саҳифада.

Ана шундан кейин табиат инъоми, Яратганининг неъматини – ёмғир сувидан самарали фойдаланишға киришдим. Натижани эса кўриб турибсиз.

Қудрат аканин айтишича, у ўтган йилги ҳосилдан жами 300 миллион сўм даромад кўрган. Шундан 100 миллион сўми ишчилар меҳнат ҳақи ва бошқа харажатларға йўналтирилган бўлиб, оила бюджетига 200 миллион сўм соф фойда кирган. Изланишдан тўхтамайдиган Қудрат ака водийға бўлган сафарларининг бирида Марғилондан 300 туп бодом кўчатларини ҳам олиб келиб, томорқасига экади. Бугун нафақат қаврак, балки бодом дарахтлари ҳам қони фойда бўлган ёмғир сувиға тўйиниб, кўзни қувнатиб турибди.

– Маҳалламизда 401 та хонадон бўлиб, уларнинг деярли барчаси ёмғир сувидан фойдаланиб, қаврак етиштиришни йўлга қўйган, – дейди маҳалла раиси Абдусалом Эгамшукуров. – Бу ўсимликни етиштириш, унга ишлов бериш жараёнида муқобил сув ресурсларининг йўқлиги маҳалламизда маълум бир муаммоларни келтириб чиқараётган эди. Ҳозирги пайтда бунинг ечими сифатида ёмғир сувидан фойдаланишни кенг йўлга қўйганмиз. Натихада маҳалламизда ишсизлик ҳам сезиларли даражада пасайган.

Худуддаги бу тажриба аҳоли хонадонларидан тортиб, турли давлат ташкилотлари ва таълим даргоҳларини ҳам қамраб олган. Тумандаги 97-мактабда 300 нафар ўқувчи таълим олади. Мактаб худудига мингдан зиёд маҳаллий иқлимға мос тут, ўрик, бодом, арча ҳамда гужум дарахтлари экилган бўлиб, уларнинг қатор орасига эса қаврак ҳамда мевали дарахтлар уруғи сепилган.

Бу ердаги дарахтлар дастлаб челақлаб сугорилган бўлса, ҳозирда мактабнинг орқа қисмидаги 100 тонна сийғимға эға ерости ёпиқ ҳовузига тўпланадиган ёмғир суви бу яшилликнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Тарновлардан тушаётган сув тўри ҳовузға йўналтирилади. Баҳорги мавсумда тўпланган ёмғир суви эса сентябрь ойиға-ча, яъни кузги ёмғир мавсумиға бемалол етади. – Мактабимиздаги бу тажрибадан ўрганиш учун қўшни туманлардан, вилоятлардан ўқитувчилар, мактаб директорлари келиб-кетилляпти, – дейди мактаб директори Шерзод Менглиев. – Мақсадимиз битта: ўқувчи-ёшларда она табиатға бўлган меҳрни ошириш, уларда экологик билимларни шакллантириб, келгусида мамлакатимизни ривож, яшиллик учун муносиб ҳисса қўшишларини таъминлаш. Агар фарзандларимиз ёшлигидан табиат билан уйғун яшаса, ўз қўллари билан дарахт экса, бог яратса, эртаға уни кўз қорачиғидек асраб-авайлайди.

БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ...

Ҳисоб-китобларға кўра, бир кишининг кунлик ўртача сув сарфи 130 литрни ташкил этади. Ёмғир сувидан фойдаланиш орқали эса бир киши кунига ўртача 71 литрғача ичимлик сувини тежаш мумкин. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари, хусусан, Туркия, Исроил, Германия, Австралия, Сингапур, Япония каби давлатларда ёмғир сувидан фойдаланиш самарали йўлга қўйилган. Мисол учун, Туркияда умумий майдони 2 минг квадрат метрдан ориқ бўлган қўп қаватли уйлар ҳамда янги қурилаётган биноларда ёмғир сувини йиғиш тартиби мажбурий этиб белгиланган.

Германияда фуқароларға ёмғир суви йиғиладиган резервуарлар қуриши учун махсус грантлар ва субсидиялар ажратилиш тизими йўлга қўйилган. Шунингдек, ташкилотлар махсус сув йиғиш технологиялари билан жиҳозланган. Биргина Франкфурт аэропортида ўрнатилган ёмғир сувини йиғиш резервуарлари аэропортыннинг кўкназорлаштирилган 60 физиклик худудини сугориш ва техник сув ўрнини қоплаш имконини беради.

Австралияда ёмғир суви ерусти ва ерости сувларидан кейин турадиган учинчи йирик сув манбаси ҳисобланади. Тузаржойларнинг 26 фоизи ёмғир сувини йиғувчи танкерлар билан жиҳозланган. Ёмғир шахар сув таъминотининг 9 фоизини, шахардан ташқарида 63 фоизини ташкил қилади.

Сингапурда қўп қаватли уйлар, бино-иншоотлар ва аэропорт худудларидан ёмғир сувини йиғиш майдонлари сифатида фойдаланилади.

Таҳлиллар иқлим ўзгарishi Ўзбекистонда сув тақчиллигини янада кескинлаштиришини, қувоқчиликнинг давомийлиги ва даврийлиги кўпайишиға олиб келишини ҳамда иқтисодиётнинг сув ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондиришда жиддий қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкинлигини кўрсатмоқда. Шуни инобатға олган ҳолда, Ўзбекистон Экологик партияси хорижий давлатлар ва маҳаллий тажрибалар, хусусан, Деҳқонобод тажрибасини амалиётға кенг жорий этиш ташаббусини илгари сурмоқда.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ



Бошланиши 1-саҳифада.

РЕНЕССАНС УЛҒАЯДИГАН МАЙДОН



Илм-фан тараққийотининг шахс, миллат, халқ, жамият, давлат ва мамлакат равнақи йўлида қанчалар аҳамиятли экани соғлом фикрли каттаю кичикка кундек равшан ҳақиқат. Илмий салоҳият борасида шавкатли ўтмишимиз мавжудлигидан ҳақли равишда фахрланамиз. Бирор фан соҳаси ва йўналишида ютуққа ва эътирофга сазовор бўлаётган ёшларимиз Янги Ўзбекистоннинг бугуни ва истиқболи эканлигидан бошимиз кўкларга етмоқда.

Ҳар қандай миллий илм-фан соҳа ва йўналишларини умумлаштириб ўзига хос дарёга қиёслаш мумкин: у гоҳ жўшиб оқади, гоҳ сустлашади, гоҳ тўлиб-тошади, янги ўзанлар очиб, фақат ва фақат олға интилади.

Замонавий ўзбек фани совет замоналарида ҳам салмоқ, залвор борасида мавқеини сақлаган. Кимё, биология, геология, физика, математика, кибернетика, мумтоз филология, қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва ҳоказо йўналишларда ўзбек олимларининг, мутахассисларининг муносиб ўрни бўлган.

2016 йил 30 декабрь санасида ўзбек илм-фани қайта дунёга келди. Давлат раҳбари сифатида эндигина фаолиятини бошлаган Шавкат Мирзиёев ўша кун юртимиздаги илм-фан фахрийлари, етакчилари, Фанлар академияси мутасаддилари билан учрашди. Дилдан суҳбатлашди, орзу-истакларга, гоҳларга қўлоқ тутди. Мазкур давра суҳбати шарофати ўлароқ фанимиз қайта қад ростлаш йўлига ўтди.

Ўзбек илм-фан дунёсида янги давр бошланди! Чунинчи, Фанлар академияси таркибидаги илмий-тадқиқот институтлари қайта ташкил этилди, янгиланди. Янги олий ўқув юртлирини-ку, асти қўяверасиз! Университетларда ҳаёт қайнади бошлади. Тасаввур қилайлик, вилоятларда очилган университетлар вақт ўтиши билан мустақам илмий марказларга айланади, у марказларда янги ўзбек фанининг янгидан-янги авлодлари етишиб чиқади.

Ана шу сингари ўзгариш ва янгиланишлар тўлқинида чиндан ҳам илмий даража олишга бўлган қизиқиш кучайгандан кучайди.

Яширишнинг ҳолати йўқ, саккиз-ўн йил муқаддам илмий фаолиятга бўлган қизиқиш-интилиш ниҳоятда сусайиб кетган эди, чунинчи, олимлар, ўқитувчи-профессорлар “дов-дастгоҳ”ни йиғиштиришга тушган, чунки олимлик машаққатини зиммасига олганлар ҳам маънан, ҳам моддий жиҳатдан даярли аянчли ҳолатга келганди. Илм-фан истагидаги оқим депсиниш даражасига тушди. Бироқ инсондаги ботиний қудрат шундаки, ҳар қандай оғир шароитда ҳам илмдан, илм иштиёқидан воз кечолмайдиган-кечмайди куч, қуртак шаклида бўлса-да, мағлубиятга таназзулга бўй бермайди. Бунинг устига, давлат томонидан бўлган эътибор, рағбат, мадад назарда тутилган оқимга дарҳол жон бағишлади.

Ўшундан айтаман, мамлакатимизда номзодлик, докторлик илмий даражасини олишга бўлган қизиқиш кескин ошди. Кейчагина олимлик кўчасига киришни ўзига эп кўрмаган, рўзгор ташвишининг турфа манбаларини амал-тақал қилиб юрганлар бугунга келиб фан номзоди, фан доктори бўлиш ҳаракатига туша бошлади. (Ўрни келганда, оғир шароитларда илм йўлини тарк этмаган, ўз соҳаси-фанига садоқат кўрсатган профессорларимиз, доцентларимиз ва ўқитувчи-мутахассисларимиз шаънига тасаннолар айтиб қўйсак адолатдан бўлур деб ўйлайман).

Сиз, Рўзимбой, айна шундай ҳолатнинг энг нозик муаммосига жамоатчилик диққатини қаратмоқдасиз. Илмий даража олиш энгиллашиб кетаётганидан, энгил-елпи ва

арзимас мавзуларда диссертациялар ёқланаётганидан, имло хатосиз ёзишни эпламайдиганлар фан номзоди васикасини қўлга киритаётганидан, “Ва яна ҳозирда пул эвазига номзодлик ва ҳатто докторлик илмий ишнинг ёзиб берадиганлар борлиги”дан ташвишланмоқдасиз. Ҳар бир ташвишли ҳолатни далиллар ила асослашга ҳаракат қилмоқдасиз. Миллий фанимиз майдони, кўлами ва миқёси тоза, ҳалол ва самарали бўлишини уйлаб, қайғурмоқдасиз. Шунинг ўзи ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Эзгу ният йўлидаги ташвишу қайғуришларингизни қўллаб-қувватлаган ҳолда айғир мулоҳазаларни ўртоқлашиш истаги туғилди.

Биринчи навбатда, илм аҳлига муносабат хусусида.

Рўзимбой! Оддий одамларимиз орасида илм-фанга, олимтабиат кишиларга истеҳзоли қараш мавжуд. Мактабда, ҳатто олий ўқув даргоҳларида “аъло”га ўқийдиган, тиришқоқ, изланувчан, қўлидан китоб тушмайдиган ўқувчи ва талабаларни очикдан-очик камситиш, беҳурматлаш одати хануз учраб туради. Ундай йиғит-қизлар ортидан, “Анави, профессор!”, “Билагон академик-ки!” дея истеҳзолар ёғдиришади. Афсуски, арзимасдек кўринган бу одат илмдан йироқ одамларимиз қарашларида ёш улғайганда ҳам сақланиб қолади. Таассуф, “Олим бўлиш осонми?” мақоласининг асарият ўринлари шундай кайфиятни ёдга солмоқда.

“Бир профессор атиги бир йил давомида 56 (!) нафар фалсафа бўйича фан доктори тайёрлабди” деган хабар билан бошласиз мақолани. Бўрттириш, муболага “санъати” журналистиканинг азалий “кўрки” эканлиги янгилик эмас, буни қарангки, Сиздек тажрибали қаламкаш, тагин гоҳатда жиддий мавзуда сўз юритаётган куюнчак зиёли ҳам мазкур аънона изнидан чиқолмабсиз. Мабоодо чиндан ҳам бир йилда шунча шоғирд этиштирган “устоз” бор экан, унинг эпчилигини дoston қилишимиз, афсонавий ватандошимизни Гиннеслар китобига тавсия этиш йўлини излашимиз, қалам-дафтарини қўлтиқлаб юртимизга етиб келадиган гиннесчиларга пешвоз чиқишга ҳозирлик кўршимиз ва ўша профессор кўрсатган қароматни атрафлича... журналист текшируви чиғирғидан ўтказганимиз маъқул эмасмиди?!

Аслида сўз ва фикр таъсирчанлигини

оширишга хизмат қиладиган муболага салгина меъёрдан ортдими, акс таъсир кўрсатади, буни Сизга эслатгувчи жойи йўқ, жон дўстим.

Кимнингдир жияни беш йилдан буён тиббиёт фанидан номзодлик ишнинг ёқлаш учун елиб-югураётган экан, отасига раҳмат ундай жиянинг. Лекин “елиб-югуриш” ибораси илмий изланиш машаққатидан кўра, илм теварағидидаги носоғлом оворагарчилик, сансалорликни “таърифлаш”да қўл келади. Бошқа вилоятдан ёш бир қиз эса шу иш бошида турган уздабурон бировига уч минг доллар берган экан, шу ҳақ эвазига дарровгина илмий ишни тайёрлаб берибди.

“Фалончи ундай деди, пистончи бундай деди”лар кўз ўнгимизда умумий манзарани чицаётгандай бўлади, аммо улар далил ўрнига ўтмайди, илм кишилари бундай мисолларни далил ўрнида қабул қилишмайди. Назаримда, публицистик мақолада ҳам бу тарзда исботлашларга зўр бериш ўртага ташланаётган мулоҳазалар салмоғини бўшаштириб юборади. Нима эмиш, “Бунинг учун илмий ишларни тасдиқлайдиганлар орасидан таниш топса бўлди... Ҳатто бир варақча сигмайидиган илмий тадқиқот қилмаган одам ҳам “куф-суф” дегунча фалсафа доктори бўлиб турибди-да!”

Э, ҳа-а, илмий ишларни кимлар қай тартибда тасдиқлашини, умуман, илмий мавзунини тасдиқлашдан тортиб то унинг муаллифига илмий даража бергунга қадар қандай босқичлар босиб ўтилишини биламизми? Тасаввур қиламизми? Ана шу босқичларнинг ҳар бирида ўз соҳасининг не-не билимдон ва фидойилари қосгондан бош кўтармай ўтирганни бир оғиз “куф-суф”га тенглаштириш, таърифлаш қанчалар ноўрин, қанчалар мулоҳазалар, қанчалар беҳабарлик, Рўзимбой дўстим?!

Шу ўринда аччиқ бир ҳақиқатни тилга олишга тўғри келади. Ҳеч замон-ҳеч маконда яхши тадқиқот ёмон тадқиқотдан кўп бўлмайди. Бошқача айтганда, факултада илмий кашфиёт нисбатан анчагина оз фоизни ташкил этади. Янаям бошқачароқ ифодалашга ҳаракат қилсак, санокли муваффақиятли кашфиётларга эришиш учун кўплаб муваффақиятсиз тадқиқотларга сарфланган чиқими саъй-ҳаракатларга чидашга тўғри келади. Зеро, катта ва ноёб кашфиётлар зое кетган тажриба-экспериментлар меваси, ҳосиласи ҳисобланади.

Сиз назарда тутган, энгил-елпи ва носоғлом йўллар билан фан номзоди ва фан доктори илмий ишнинг қўлга киритганлар эса ўз соҳаси жамоатчилиги орасида отнинг кашқасидек ажралиб турадилар. У тоифадаги уларлар Сиз ижобий далил сифатида хотирга олган Урганч давлат университети профессори Баҳовуддин Содиков сингари чинакам олимларга асло соя сололмайди. Ахир фан оламида олимлик одоби, илмий орият, илмий гуруҳ-нафсоният тушунчалари уруғ-уруғича қуриб кетмаган, унутилмаган, унутилмайди ҳам.

Рўзимбой! Ўн йиллар муқаддам элдошингиз бир аёл иқтисод фанидан номзодлик диссертациясида (Ўзингиз таҳрир қилиб берган) вилоятнинг беш йиллик иқтисодий кўрсаткичлари таҳлиладан иборат эканлиги учун сиз уни табриклардан уялганингизни эслабсиз. Нега уялдингиз? Иқтисод илмини, моҳиятини тушунмайсизми? Мен ҳам иқтисодчи эмасман, лекин ҳар бир вилоят, ҳар бир туман статистика бошқармасидаги бир “ҳовуч” рақамни қиёслаш, таҳлил қилиш орқали бутун республика равнақи йўлида асқатадиган қутилмаган ва фавқуллода хулосалар чиқариш мумкин. Ёки имло хатосиз ёзолмайдиган депутатни мисол тариқасида келтирибсиз. Тўғри, депутат саводли ёза олса нур устига нур, бироқ депутатлар орасида ҳаётда икки қатор хат ёзмаганлари, бинобарин, имлонинг кўчасига йўламаганлари топилади. Буни қарангки, олимлик мартабасининг сеҳри, шуқуҳи ана шундай чаласаводларни ҳам маҳлиё этади, ром этади, “йўлдан уради”.

Тарихчиларимиз шаънига қаратилган куйидаги икки таъна икки жиҳатдан ноўрин ва асоссиз. “Тарих бўйича илмий иш ёқлаётганлар, — деб ёзласиз, — моҳиянинг узок ёки яқин даврида содир бўлган воқеаларни ҳозирги кун — истиқлол мафқураси нуқтаи назаридан тадқиқ қилишяптими, “тарихимизнинг кир ва қора кунлари” ҳақидаги ҳақиқатларни қай даражада очиб, халқимизга етказишмоқда?”

Авалло, тарихий мавзудаги янгидан-янги китоблар шу қадар кўп босилмоқдаки, ашаддий тарихсевар китобхонларимиз ҳам уларни ўқишга улгуролмай қолишмоқда. Бунинг учун тарихчи олимларимиздан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди. Қолаверса, Сиз ўтмиш воқеаларини “ҳозирги кун — истиқлол мафқураси нуқтаи назаридан тадқиқ қилиниш”га чакиряпсиз. Ваҳоланки, тарихчи, тарихнависликни мафқурага бўйсундириш ҳеч бир замонда олқишланмаган, зеро, мафқура измидан чиқмаслик тарихни ўрганишда энг катта ва қалитс хатоларни бошлаб беради, тарихий ҳақиқатни барбод этади. Бунёд этилаётган Янги Ўзбекистонда биринчи навбатда, ҳаёт ҳақиқатини қарор топтириш, ҳар соҳада, жумладан, олиси-яқин тарихни ўрганишда ҳолислик аънонасига асос солиш йўлидан боряпмиз деб ўйлайман, шундай эмасми?!

Мақолада илм-фан соҳасидаги ташкилий масалаларни ҳам эътибордан четда қолдирмасликка ҳаракат қилгансиз. Тўғри қилгансиз. Бироқ начора, жамият ҳаётида ортиқча ҳисобдорликлардан воз кечиш муаммолигича қолмоқда. Олий ўқув юртлирида, илмий тадқиқот институтларида ортиқча ҳисобот беришларни тартибга солиш, оптималлаштириш борасида қилинадиган ишлар ниҳоятда кўп. Илмий тадқиқотдан бир сингиллини хориж нашрларидан чоп эттиришда ҳам мукамаллашган, оқилона тартиб, меъёр бўлмоғи зарурлиги ҳақидаги фикрларингизга қўшиламан.

Бунинг фан номзоди илмий даражаси эндиликда “Фалон фан бўйича фалсафа доктори” деб ёзилаётганига бўлган муносабатингизни асослаш учун яна бир танишингизнинг (?), “Ҳамма ёқни фалсафа докторлари босиб кетди” деган қочирғини келтирибсиз. Начора, бу воқеадан ранжши-ранжимаслик ҳар кимнинг ихтиёри, аммо лекин бундай илмий унвон моҳиятида катта ва чуқур маъно кўзда тутилганини унутмаганимиз маъқул-да! Кимё фани бўйича фалсафа доктори, филология фани бўйича фалсафа доктори, математика фани бўйича фалсафа доктори... Нима назарда тутилмоқда? У ёки бу фан бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган ҳар бир олим ўз фани бўйича файласуф даражасида, файласуфона мақомда фикрлай олиши, мушоҳада юритиши даркор деганидир. Энди ким бу юксак мартабага лойиқ-лоийқ эмаслиги эса буткул ўзга масала, ўзга муаммо.

Рўзимбой! Мазкур мулоҳазаларнинг туғилишига Сиз, Сизнинг “Jadid” газетасида босилган мақолангиз туртки берди. Кўпдан буён кўнгида пишиб етилаётган айрим истақларнинг қозғога туширилишига сабабчи бўлди.

Дунё ва башарият тараққийотини илм-фансиз тасаввур қилиб бўлмайди. Оддийгина турмуш фаровонлигидан то Уйғониб чўққиларини забт этиш орусининг бирдан-бир манбаи, асоси, пойдевори халқнинг интеллектуал салоҳиятида тажассум толади. Сизу бизни — ҳаммамизни ўйлантираётган, ташвишлантираётган мақсад-муддао ҳам шу! Бу мақсад йўлидаги чора-тадбирлар шу қадар кўпки, серқирраки, уларни санаб адоғига етиш мушқул. Биз қалам аҳли, матбуотчилар кенг омма орасида илмий муҳитни соғломлаштириш, жонлантириш йўлида ҳормай-толмай хизмат қилмоғимиз зарур деб ўйлайман.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг илмий-оммабop “Фан ва турмуш” журналида фаолият юритган йилларим илм-фанимизнинг кўллаб дарғалари билан бўлган мулоқотлар ҳаётимнинг энг сурурли дамлари сифатида ёдда қолганидан адоқсиз ифтихор туйганларимни зинҳор унутмайман. Кези келганда, ёшлар билан учрашув ва суҳбатлар чоғида Обид Содиков, Собир Юнусов, Ёлқин Тўрақуллов, Восил Қобулов, Уктамон Орипов, Абдуманнон Раҳимжонов, Ҳамдам Усмонов, Раҳима Аминова, Раҳим Бекжонов, Ҳамид Зияев сингари миллий илм-фанимизнинг унутилмас сиймолари ҳақидаги ҳаётий ҳикоялар айтгим келади. “Фан ва турмуш” ҳар ойда 500 000 нусхада чоп этилгани, журналда босилган мақоалалар эъзасидан мамлакатимизнинг турли бурчакларида яшайдиган кексаю ёш муштарийлардан кунига юзлаб хат-хабар келиши халқимизнинг илм-фан соҳа ва тармоқларига бўлган меҳр-муҳаббати, қизиқиши тимсоли бўлганини ўртоқлашим келади. Қандай бўлмасин, фарзандларимизда илмий-бадий-техник тафаккурни тарбиялашга қаратилган нашрлар, телекўрсатувлар йўлга қўйилиши зарурлигини хот-хот тақдорлагим келади. Чунки мана шу каби ишларнинг бари, юқорида айтилган муҳимдан-муҳим мақсадга — мамлакатимизда мустақам илмий муҳит яратилишига хизмат қилади. Ренессанс — Уйғониб мана шу муҳит майдонида туғилади, улғаяди, юксалади!

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,
филология фанлари доктори,
профессор

ЖАҲОН АЙВОНИДА

РУХСАТСИЗ ҲАЖ ҚИЛУВЧИЛАР ЖАЗОЛАНДИ



Саудия Арабистони ҳукумати Ҳаж мавсумида Маккага рухсатсиз кирмоқчи бўлганларга нисбатан янги санкцияларни эълон қилди. Бу ҳақда Қироллик Ички ишлар вазирлиги хабар бермоқда.

Янги қоидаларга кўра, Ҳаж зиёратини рухсатсиз амалга оширганлик ёки амалга оширишга уринганлик учун 20 минг Саудия риалигача (69 миллион сўм) жазима солинади. Худди шундай жарималар Макка шаҳри ва муқаддас қадамжоларга киришга ёки у ерда қолишга ҳаракат қилган Ҳаж вазиси йўқ шахсларга ҳам тегишли бўлади.

Бундан ташқари, қоидабузарларга виза олиш учун ариза топшириш, транспорт ёки бошлана масаласида ёрдам берганлар 100 000 риалгача (345 миллион сўм) жаримага тортилади.

ҚОЗОҒИСТОН “ОЛТИН ВИЗА” ЖОРИЙ ЭТМОҚДА



Қозоғистон Ташқи ишлар вазирлиги мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини мустаҳкамлаш ва узок муддатли бизнес ҳамкорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган инвестиция визаларини олишининг янги қоидаларини тасдиқлади. Бу ҳақда “Казинформ” ахборот агентлиги хабар берди.

Унга кўра, Қозоғистон компаниялари уст-тав капиталига ёки маҳаллий эмиссия қимматли қозғоғларига камида 300 минг доллар инвестиция киритган чет эл фуқаролари инвесторлик визасини расмийлаштириш учун электрон ариза топширишлари мумкин бўлади. Мазкур “олтин виза” 10 йил муддатга мамлакатда яшаш гувоҳномасини олиш имкониятини тақдим этади.

БИР СУТКАДА КОИНОТГА 6 ХИЛ РАКЕТА УЧИРИЛДИ

Дунёнинг турли космодромларидан 29-30 апрель кунлари оралигида 17,5 соат ичида олтига орбитал учуриш амалга оширилди.



Ушбу кўрсаткич кунлик ракета учуришлар сони бўйича максимал натижадан икки баравар юқори. Бу ҳақда “Space.com” хабар берди.

Учурилган ракеталар миссияларининг аксарияти сунъий йўлдош интернет тармоқларини жойлаштириш билан боғлиқ.

РИМ ПАПАСИ ЛАВОЗИМИГА НОМЗОД ТАВСИЯ ҚИЛИНДИ



АҚШ президенти Дональд Трамп Рим папаси Францискининг вафотидан сўнг папа ворислигига ўз фикрини билдирди ва Нью-Йорк архиепископини номзод сифатида кўрсатди, дея хабар берди “Financial Times” нашри.

Ўтган ҳафта Ватиканда марҳум папанинг дафн маросимида иштирок этган Трамп

ўзининг иккала президентлик инаугурациясида ҳам ибодатга бошчилик қилган кардинал Тимоти Доланини муносиб кўришини маълум қилган.

СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТ ПОРАХЎРЛИҚДА АЙБЛАНМОҚДА

AOL нашрининг хабар беришича, 2017–2022 йилларда Жанубий Кореяни бошқарган Мун Жэ Ин президентлик лавозими пайтида собиқ қуввининг авиакомпанияга ишга жойлашиши учун ёрдам берган.



Мамлакат прокуратураси уни порохўрлик ва ўз ваколатини суистеъмол қилганликда ҳам айблamoқда.




ЕЛКАМА-ЕЛКА

Бир кунда отувга ҳукм қилинган ака-укалар қисмати

Бошланиши 1-саҳифада.

Манбаларда қайд этилишича, 1937 йилда Ўзбекистон бўйича қатагонга учраган уч мингдан зиёд маҳбусдан 1688 нафари отувга ҳукм қилинган. Бу фожиа асосан Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги ҳузурдаги махсус “Учлик” аъзолари – Апрессян, Сегизбоев, Шейндлин ва Яковлев кўли билан амалга оширилган. Давлат хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи Ладес тақдим этган 615-сонли иш бўйича ўлимга ҳукм қилинган бухоролик 17 кишидан тўрт нафари Бурҳоновлар сулоласи вакиллари – ака-ука Махҳаруддин, Мукамил, Муҳаммир ҳамда уларнинг жияни Мисбоҳ Бурҳонов эди.



МАЗХАРУДДИН БУРҲОНОВ (1878–1937)

Нуфузли сулоланинг муносиб вакили Махҳаруддин Бурҳонов бутун ҳаётини илмга, халқни хат-саводли қилишга бағишлаган фидойи, олижаноб шахс эди. Болалигидан илмга чанқоқ Махҳаруддин аввал отаси кўлида, кейин эски мактаб ва мадрасаларда таълим олади. У Бухоро мадрасасини тугатгач, илмнинг кенг ва замонавий манбаларидан баҳраманд бўлиш ниётида 1914 йилдан Истанбул университетининг математика факультетига ўқий бошлади. Шунинг баробарида Туркиядаги мактабларда ўқитувчилик қилади. Бу даврда Истанбул нафақат Фарб ва Шарқ илмлари чорраҳаси, балки замонавий таълим ғоялари ва усулларининг ҳам асосий марказларидан бири эди. Университет таҳсил давомида Бурҳонов назарий билимлар оlish асносида илгор педагогик ёндашувлар билан ҳам танишади. Мактаблардаги фаолияти чоғида таълимда янги методларни ўз кўзи билан кўради ва бу ёндашувлар Махҳаруддин учун ҳақиқий кашфиёт эди. Чунки янги усуллар ўша вақтда ҳали аксарият Шарқ мамлакатларидаги матнни ёдлаш ва такрорлашга асосланган анъанавий таълим тизимидан тубдан фарқ қиларди. Халқни илму маърифатли қилиш ғояси эса қаҳрамонимиз калбида кун сайин жадидлик ғояларига ҳамоҳанг уйғунлашиб борарди. “Нега биз ҳам болаларимизни мустақил фикрлашга ўргатмаймиз? Нега таълим амалиёт билан боғлиқ бўлмаслиги керак? Нега математика фақат назарий ўқитилиши, ҳаётга хизмат қилмаслиги керак?” деган саволлар унга бир зум тинчлик бермас эди.

1922 йилда олий маълумотли математика ўқитувчиси дипломи билан Бухорога қайтиб келгач, у маърифий ҳаракатларнинг росмана етакчисига айланди. 1922-1923 йилларда Бухоро Халқ Республикаси Меҳнат идораси бошлиғи ва Маориф ноҳири ўринбосари вазифаларида ишлади.

“Нашри маориф” жамиятининг хорижда ўқиётган талабаларни қўллаб-қувватлаш, мактаб ва кутубхоналар фаолиятини кенгайтириш каби тadbирларини кенг тарғиб этди. Бухоро Республикаси тугатилганидан сўнг Махҳаруддин Бурҳонов ҳукумат ишларидан бутунлай воз кечиб, бор эътиборини таълим билан шуғулланишга қаратади. Хусусан, математика соҳасида илк дарсликлар ёзади. 1924–1930 йилларда Бухородаги дорулмуаллиминда, сўнгра Самарқанд шаҳридаги мусиқа институтини ишлайди. 1932-1933 йилларда у Душанбе ҳамда 1933–1936 йилларда Тошкент шаҳрида яшаб, илми толибларга математикадан дарс беради. Кейин Самарқанд шаҳрига кўчиб келиб, мактаб ўқитувчилигидан нафақага чиқади.

Махҳаруддин Бурҳонов 1937 йилнинг 19 июлида “Миллий иттиҳод” ташкилотига алоқдорликда айбланиб қамоққа олинади. Бу вақтда унинг турмуш ўртоғи Саодатхон Самарқанд шаҳридаги ўқитувчилик билим юртида тахсил олаётган эди. Махҳаруддин Бурҳонов сўроқ жараёнида 1910 йили Туркиядан келганида Файзулла Хўжаев билан танишганини айтarkan: “У 13-14 ёш бола эди. Мен уни сиёсий арбоб эмас, оддий миллионернинг ўғли сифатида таниганим эдим. 1922 йил Туркиядан қайтиб келганимда катта ўзгаришлар бўлган экан. Албатта, Туркияда миллий партиялар кўп эди. Аммо Ўзбекистонда бирорта сиёсий партия ёки “Миллий иттиҳод” номли аксиланкилобий ташкилот ҳақида эшитган эмасман. “Нашри маориф” каби маърифий жамиятлар бўлган. Бироқ у халқ маорифини қўллаб-қувватловчи ҳаракат эди”, дейди.



МУКАММИЛ БУРҲОНОВ (1884–1937)

Бурҳоновлар сулоласининг яна бир вакили Мукамил мактаб ва мадрасада таълим олгач, 1908 йилда “Тарбия атфол” (“Болалар тарбияси”) жамияти томонидан Истанбулга ўқишга юборилади.

У кейинчалик “Ёш бухороликлар” партиясига аъзо бўлиб, тараққийпарвар ғояларни кенг ёйишга интилади. 1912 йилда Исмомил Ғаспдали, Абдуқодир Шакурий мактабларида қиёсан ўз уйида янги усулдаги мактаб очади. Турли сабаблар билан хат-савод чиқаролмай қолган катта ёшли инсонлар учун 1913 йилда кечки мактаб ташкил этади. Бу хайрли ишлари уни Бухоро заминида маориф соҳасидаги етакчи шахслардан бирига айлантиради.

1917 йил апрель ойда Бухорода бўлиб ўтган ёшлар намоийшидан кейин Мукамил Бурҳонов Самарқандга кўчиб ўтади. У илмий-маърифий фаолият билан шуғулланишда давом этarkan, янги давр талаб қилаётган исло-

ҳотлар учун билим ва тажриба орттиради. Амир ҳокимияти ағдарилганидан сўнг у доимий равишда Файзулла Хўжаевнинг яқин ёрдамчиси ва суянчиги сифатида сиёсий-ижтимоий жараёнларда фаол кўриниш беради.

Тарихдан маълум, 1922 йилга келиб Абдурауф Фитрат Бухоро Халқ Республикасида Маориф халқ ноҳири лавозимига тайинлангач, чет эл таълим муассасаларига ёшларни юбориш ишини расмий ва тизимли равишда йўлга қўяди. Бу мустабид тузум остидан энди бош кўтарган Бухоро ёшларига катта имконият эшигини очган воқеа эди. Айти шу пайтда Мукамил Бурҳонов ҳаётида ҳам янги давр бошланади.

1922 йил октябрь ойда у Файзулла Хўжаев ва РСФСРнинг Бухоро Халқ Совет Республикасидаги доимий вакили Кожевников билан бирга Германияга сафар қилади. Улар Берлинда 25 кун давомида турли учрашув ва музокараларда қатнашади. Сафар асносида Берлинда тахсил олаётган бухоролик талабалар – Абдувоҳид Бурҳонов, Олимжон Идрисий ва Бадри Сайфулмулк билан учрашиб, кундалик ҳаёти, ўқиш шароити, моддий аҳволи билан яқиндан танишади.

Бу давр талабалар учун ҳам, Мукамил Бурҳонов учун ҳам катта масъулият ва амалий тажриба вазифасини ўтайди. У шунчаки кузатувчи бўлиб қолмасдан, туркистонлик талабалар таҳсилоти, моддий таъминоти ва уларнинг келажақда Ватанига нафти тегадиган етуқ кадрлар сифатида шаклланишига кўмаклашиш йўлида фаол ҳаракат қилади. Илми толибларнинг дарду ташвишларига акаларча қўлоқ тутарди. Бу самимий муносабатлар мустаҳкам дўстликка айланиб, 1923–1925 йиллар оралиғида Мукамил Германиядан кўллаб мактублар олади. Талабалар ўз хатларида миллат тақдири ҳақида қайғуришларини баён этади.

Мукамил Бурҳонов 1920–1924 йилларда Бухоро Халқ Республикасида Адлия ноҳири, кейинроқ БХСРнинг РСФСРдаги мухтор вакили вазифаларида фаолият юритади. Ўзбекистон Республикаси ташкил этилгач, Самарқандда Файзулла Хўжаевнинг шахсий котиби бўлиб ишлайди. Бироқ у сиёсий фаолиятни узоқ давом эттирмай, ўқитувчиликка қайтади. Бўш вақт топди дегунча мақом санъатининг машҳур усталари Ота Жалол ва Ота Ғиёсдан мусиқий сабоқ олиб, жияни Мутаваққил Бурҳоновга мусиқий таълим беришга киришади. Бу ҳақда кейинчалик Мутал Бурҳоновнинг ўзи шундай хотирлайди: “Санъатга, мусиқага, адабиётга ошно Мукамил амакимини уйига домла Ҳалим Ибодов, Чўлпон, Ота Жалол, Ота Ғиёс, Левича Ҳофиз синғари улуг санъат фидойилари келишарди. У киши танбурни ўзлари қарарди. Саккиз ёшимда менга танбур соғра қилганди. Танбур чертишни аввал амакимдан, кейин устоз Ота Ғиёсдан ўраганман. Кеча-кундуз амаким мени мусиқадан айро тутирмади”.

Афсуски, репрессия тўлқини Мукамил Бурҳоновни ҳам четлаб ўтмади. 1937 йил 23 май кунини “Миллий иттиҳод” аъзоси бўлгани, ташкилот ғазнасига маъсуллик қилгани ва халқни қуролли кўзгалонга чорлагани каби сохта айбловлар билан ҳибсга олинади. Қўлга олинганда, унга қарши ҳатто икки яшар қизалоғи Рақинанинг ўйинчоқлари ҳам текширилади. 1937 йилнинг июль ойда ўтказилган таҳқири сўроқлари қийинчиликларни ҳақорат қилгани” учун уч кунга қарцерга ҳукм этилади. Узлуксиз азоблар сабаб бутунлай ҳолдан тойган Мукамил Бурҳонов ўзига нисбатан барча тухмату бўҳтонларни тан олган киши бўлиб, аслида шу йўл билан қийноқлардан халос бўлиш умидида, ҳужжатларга беҳол имзо чекишга мажбур бўлади...



МУҲАММИР БУРҲОНОВ (1897–1937)

Сулоланинг яна бир иқтидорли вакили, болалиқдан илм-маърифатга иштиёқманд Муҳаммир жаҳид мактаби ва мадраса таҳсилининг илк босқичини тугатиши биланқо 1912 йили Туркияга ўқишга юборилади. У 1921 йилгача Эски шаҳар, Бурса ва бошқа шаҳарларда таълим олиш баробарида ўқитувчилик ҳам қилади. Муҳаммир “Ёш бухороликлар”нинг Туркиядаги “Таъминоти маориф” уюшмаси ташкилотчиларидан бири эди.

Бухорода амирлик тузуми ағдарилиб, “Ёш бухороликлар” ҳокимиятга келгач, Муҳаммир Бурҳонов она юртига қайтиб, янги тузилган ҳукуматда муҳим лавозимларда фаолият юритади. Аввалига Бухоро шаҳрида, кейинроқ Чоржўй ва Шахрисабз вилоятларида милиция бошлиғи бўлиб ишлайди. Бурҳоновнинг ушбу даврдаги фаолияти уни нафақат ҳуқуқ тарғиботчиси, балки жамиятни янги йўналишга етаклашда фидойи шахс сифатида намоён қилади.

1924 йили у оилавий сабаблар билан Туркияга қайтиб боради ва икки йилдан ортиқ муҳожирликда яшайди. Бундай узоқ муддат четда қолиш Совет ҳукумати томонидан шубҳа остига олинади. Улар ушбу сафарни “Усмон Хўжаевга катта миқдорда пул олиб борганлик” ҳамда “Туркиядан туриб БХР ҳукуматини қўллаб-қувватлаш” сифатида талқин этади. 1926 йилда Бухорога қайтиб келган Муҳаммир Бурҳонов Ўзбекистонда кучайган сиёсий босимлар натижасида барча давлат лавозимларидан четлатилади ва Самарқанддаги 5-мактабда ўқитувчилик қилади. Гарчи бу босқичда қаҳрамонимиз фаолияти ташки томондан сокин кўринсада, у миллат тараққийси фикридан бир зум воз кечмаган, шу ғоя билан тирик эди.

Муҳаммир Бурҳонов 1937 йилнинг 12 июнида Самарқандда қўлга олинди, Тошкентда сўроқ қилинади. Унга нисбатан айбловлар қалаштириб ташланади: “Миллий иттиҳод” аъзоси; милицияда ишлаб юрган вақтда қизил армияга қарши қўрбошиларни қўллаб-қувватлаган; Туркияда бўлиб, хориж мамлакатларидан советларга қарши курашда ёрдам сўраган ва ҳоказо...

Ҳужжатлардан аён бўладики, Муҳаммир Бурҳонов ҳар бир ҳаракатини асослар билан изоҳлаб, ўзининг беайб эканини тушунтиришга ҳарчанд уринмасин, уларнинг ҳеч бири инобатга олинмайди. Сиёсий муҳит шундай эди: ҳатто муҳожирликдаги танишлар билан тасодифий алоқа ҳам “миллатчилик”, “аксиланкилобчилик” деб баҳоланарди.

МИСБОҲ БУРҲОНОВ (1905–1937)

Мисбоҳ – Бурҳоновлар сулоласининг бугун биз ҳикоя қилаётган энг ёш вакили. Унинг отаси Музаиниддин Бурҳонов аниқ фанларнинг етуқ билимдони бўлган, дунёқарши кенг мударрис сифатида ном қозонган эди. Мисбоҳнинг жаҳид мактабларида ва замонавий билим юртларида таълим олиб, ўз даврининг фаол, эркин фикрли, илгор ёшларидан бирига айланшида, табиийки, зиёли

отасининг, оиладаги маърифий муҳитнинг ҳиссаси катта бўлган.

Бухорода амирлик ҳокимиятининг мутлақ зўравонлиги ҳукм сураётган бир пайтда 14 ёшли Мисбоҳ ва унинг падари кутилмаганда адолатсиз ҳукм тўғрисида зиндонга ташланади. Зулмнинг оғир босими бола қалбида кўрқин ва ожизлик эмас, аксинча, эркинликка интилиш ва зolim тузумга қарши курашиш иродасини мустаҳкамлай борди. Муайян маънода бу синовли кунлар Мисбоҳнинг келгуси фаолияти ва қарашларида муҳим ўрин тутди.

1919 йилда отаси вафотидан сўнг Мисбоҳ Бухорони тарк этишга мажбур бўлади. У дастлаб Самарқанд ва Тошкентдаги билим юртларида, кейинчалик Москва давлат университетининг журналистика факультетига тахсил олади. 1928 йилда ўқишни муваффақиятли тамомлаб, Ватанига қайтгач, бир муддат Самарқандда фаолият юритади. Кейинроқ Душанбе шаҳрига кўчиб ўтиб, 1933 йилгача “Тожикистони сурх” газетасида бош муҳаррир лавозимида



ишлайди. Мисбоҳ Бурҳонов ёш ва иқтидорли журналист сифатида ўз ижоди орқали жамиятда маърифат ва тараққиёт ғояларини кенг ёйишга интилади. Бироқ...

1933 йилда чакув ортидан у ҳам “аксиланкилобчи” деган асоссиз ва сиёсий тусдаги айбловлар билан ҳибсга олинди, беш йилга қамоқ ҳазосига ҳукм қилинади. Ҳибсдалиқ пайтида ҳам унга нисбатан қаттол тузумнинг сиёсий таъйиқлари давом этар, бутун мамлакат бўйлаб сталинчлар репрессиялар авж олинган улгурганда.

Мисбоҳ Бурҳонов ҳали озодлик нафасини тўлиқ ҳис қилиб улгурмасидан, 1937 йили тагин қамоққа олинади ва унга ЎзССР Жиноят кодексининг 60- ва 67-моддалари асосида “халқ душмани” деган янги айблов қўйилади. Бунга қадар ҳам қамоқнинг чдаб бўлмас уқубатларини бошдан кечирган қаҳрамонимиз бемажол, заиф ва касалманд ҳолда эди. Шу боис айтарли сўроқ қилинмасдан, барча айбловлар бўйнига илинади-қўяди. Ўзининг ҳеч бир гуноҳини англамаган иқтидорли Мисбоҳ ҳали оила ҳам қуриб улгурмай, олий жазо – ўлимга ҳукм қилинади.

1937 йил 25 октябрь. Сулоланинг тўрт нафар забардаст вакили елкама-елка туриб шаҳид бўлди. Шу тариқа ўз замонасининг пешқадами бўлган зиёли оиланинг тўрт устунини бир пайтда қулади. Сиз фарзандлар онаизорнинг ҳолини тасаввур қила оласизми? Минглаб, ўн минглаб асл жигаргўшасидан айрилган она халқнинг забун ҳолини-чи?!

Ана шу жонфидоликлар, тарихнинг шафқатсиз ва аниқ сабоқлари бугунги тинч ва осойишта кунларнинг қадрини англаштириб, миллий истиқлолимизни, онажон Ватанимизни кўз қорачиғидай асраб-авайлашга доимо даъват этиб туради.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

ХОТИРА АЗИЗ



ҚАТАФОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Наби Расулзода – Андижон шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг Андижондаги бўлими аъзоларидан бири бўлган. Унинг 1930 йил 2 июндаги терговда айтган гаплари ҳамда “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси Акбар Ҳазратиевнинг 1935 йил 14 сентябрдаги терговда берган кўрсатмаларидан аён бўладики, Наби Расулзода аксиланкилобий фаолияти учун отилган.

Абдулҳай Аюбий – Андижон шаҳрида мударрис оилада туғилган. Абдулҳай Аюбий “Миллий иттиҳод” ташкилотининг фаол аъзоси бўлган. У ташкилотдаги аксиланкилобий фаолияти учун қамалган. Ундан кейинги тақдири номаълум.

Маҳмуд Қоризода – Андижон шаҳрида таваллуд топган. Ўқитувчилик билан шуғулланган. Архив ҳужжатларида қайд этилишича, у “Миллий иттиҳод” ташкилотининг Андижондаги бўлими аъзоларидан бири бўлган. 1932 йили суд коллегиясининг ҳукми билан 3 йил муддатга концлагерга юборилган.

Ҳазабжон Иброҳимов – Андижондаги Найман қишлоғида туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг Андижондаги бўлими ҳамда худуддаги Найман қишлоқ советининг аъзоси бўлган. 1931 йили 3 йил муддатга қамоқ ҳазосига тортилиб, концлагерга ҳукм қилинган.

Усмонжон Сарқоров – 1897 йили Андижон шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. НКВД Андижон сектори ёрдамчи хўжалигида ишлаган. 1922 йилда “Миллий иттиҳод” ташкилотига аъзо бўлган. Ташкилотнинг Андижондаги бўлими фаоллари қаторида “Миллий иттиҳод”нинг раҳбарияти йиғинларида доимий равишда қатнашиб, ташкилот фаолиятининг тўлиқ хабардор бўлган. Усмонжон Сарқоров 1930 йили совет органлари томонидан ҳибсга олинди, қамоқ ҳазосига ҳукм қилинган.

Азизбек МАҲКАМОВ,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори

Нигорахон АКБАРОВА,
тадқиқотчи
(Давоми келгуси сонда).



“Бир кун келиб, мен халқим учун хат ёзиб, юздан ўпиб кетаман. Шунчалар ширин ухлаб ётган эдингизки, сизни уйғотишга кўзим қиймади, дейман.

Азиз НЕСИН



ЗАРДА

Мавзунинг менга алоқаси йўқ дейишга охиқманг. Болалиқда уч-тўрт ўртоқ йиғилиб, ёнғок, гугурт қути ё шунга ўхшаш ниманидир ўртага тикиб ўйинлар ташкил қилганимиз бор. Ўзимдан қиёс, борди-ю уйдагилар кўққисдан бирор иш буюриб қолса, кўлим юмушда бўла туриб, кўнгил ўйин томонда қоларди. Иш тезроқ тугаса-ю, болалар сафига ўйинга қайтсам.

Ютуқ – голиб бўлганики. Борини бой берган эса тагин ёнғок излашга ёки ўчоқ бошлаб гугурт қути ахтаришга шўнғиб кетардик. Биз болаларга ёнғок гўё бойлик, ўйинда ютқазмасдан уни кўпайтириш эса бир хум тилла топгандагидек завқ берарди. Унинг ўзига чорловчи гашти, хумори бор эди. Бу бегубор даврдаги эрмақдек туюлиши мумкин, аммо чуқурроқ таҳлилга тортилса, табиат инсонда омад ва таваккалчиликка қизиқиш борлиги ойдинлашади. Қанийди, бу иштиёқ болалиқнинг ўзи сингари қайтмас бўлса, ўтмишда қолса. Рухиятимизда ёнғок билан баб-баравар ўсиб борар майлининг тобора гўж томир ёйиши кўпда фожиага йўл очаркан. Сўзимиз ўйнашиб бўлмайдиган ўйин – қимор ҳақда!

“УТСА ТЕГАМАН, УТДИРСА СЎЯМАН”

Манбалар қимор ўйинларининг инсоният тарихида қадимдан мавжуд эканини далиллашди. Масалан, Месапотамия худудидан топилган милоддан аввал III минг йилликка оид суждан ясалган шошқол дончалари. Ёки милоддан аввал II минг йиллик ўрталарида Хиндистонда яратилган машҳур “Махобҳорат” достони. Асарда драматик воқеалар занжирига кўра, бош қахрамонлар фожиасига айнан шошқол – қимор сабаб бўлади. Бу орқали қимор шунчаки ўйин эмас, балки инсон тақдирига кескин таъсир кўрсатувчи жиддий омил сифатида талқин қилинади.

Бундай талқинлар халқ оғзаки ижодиётида кўпга топилди. Масалан, ўзбек халқ достонларидан бири “Кунтуғмиш”да Холбека образини олайлик. Ун тўрт ёшга етгач, унинг хусни камоли овозаси оламга ёйилади. У гўзал, айни пайтда ақлли, нард ўйинига моҳир қиз бўлиб етишади. Унга барча мамлакатлардан совчилар кела бошлади. Холбека совчиларга: “Ҳар ким мени оламан деб келса, олдига нард ўйинини қўйман, ўйнайман, утса тегаман, утдирс сўяман”, деб шарт кўяди. Ҳатто шаҳар подшоиси Буврахонга ҳам шу жавобни айтади...

Замонлар ўтди. Қимор шаклан ўзгарди, соддалашди ва шунинг ортидан тобора оммалашди ҳам. Масалан, IX асрда илк бор

ЎЙНАШИБ БЎЛМАЙДИГАН ЎЙИНИ



Хитойда ўйинбоп карталар пайдо бўлди. XVII асрга келиб эса Италияда дунёдаги илк казино очилди. Бироқ моҳият ўша-ўша – “утдирс сўяман” лигича қолди. Зотан, қимор ўйинга билиб-билмай бош кўшаётганларни-да “пичоқсиз сўймоқда”.

ОСОННИНГ ОСТИДАН, ЕНГИЛНИНГ УСТИДАН

Бугунги кунда букмекерлик компаниялари ишлаб чиққан иловалар орқали спорт мусобақалари, казино ўйинларига пул тикиш кенг қулоч ёйиб, домига тушганни “кучоғи”дан кўйиб юбормаяпти. Он-лайн қимор орқали осон пул топиш иллюзияси кўпчиликни ўзига тортаётгани ачинарли.

Ундан ҳам ачинарлиси, кўп ҳолда бу ўйинга оқни қорадан ажратиш билади деганимиз олий маълумотли инсонлар, ойлик маоши билан бемалол рўзгор тебратаётганлар, илм излаб уйдан узоқда яшаётган талабалар ҳам илмини қолмоқда. Улар маблағига қўшиб вақтини ҳам йўқотмоқда. Ҳолбуки, бу ўйинларда ютқазиб эҳтимоли доим юқори – буни ҳатто ўша иловани яратганлар ҳам ошқора айтади. Шунга қарамай, “Нега одамлар бу йўлдан тиймаяпти?”, “Нима учун бирдангиз катта пул керак бўлиб қоляпти?”, “Нафсимиз шунчалик ҳақалак отиб кетдимиз?”, “Ё меҳнатга тобимиз йўқми?” Саволлар бисёр.

“Осоннинг остидан, енгилнинг устидан” дегичлар доим топилади. Ана шуларни боя биз айтаётган иловалар бир деганда тузоғига туширади-қўяди. Илованинг ўзи шундай тузилганки, инсоннинг онгиди энг заиф нуқтани ўзи аниқлаб, айни ўша томондан ҳужумни бошлади. Заифлик эса меъёрдан ортиқ берилиб кетиш, ютиш истагидир.

“ЭНДИ, АЛБАТТА, ЧИҚАДИ”

Дастлаб бир-икки сўм ютқазмасиз, бу ҳамятингизга тега бошлади: “Ўзимда бор нарсани шундай ҳавога созуриб юборавеманми, барибир ютаман”, деб

жаҳд қиласиз. “Йиқилган курашга тўймас”, деганларидек бой берилганини қайтариб олиш илжинида баттар бу гирдоб домига тушиб бораверасиз. Орада сизга ютишга имкон беришади (хўрақ!) ва хаёлда “эпласа бўларкан-ку” деган ўй шунчаки ютқазиб кетавермайман деган кўр гўрур билан уйқашиб бутун фикрни қамраб олади. Бу ғалабачалар ўзингизга ишончини оширади ва олдин ҳеч қаерда туймаган қувончини сеза бошлайсиз. Энди ўйинга эмас, ўша қувончга боғланиб қоласиз. Имкон бўлди дегунча телефонга ёпишасиз, ҳеч ким билан гаплашгингиз ва бошқа ҳеч нимани ўйлагингиз келмай қолади.

Чўнтақ қуриб қолса-чи? Турган гапки, таниш-билишдан қарз кўтарасиз ё банкдан ёппасига кредит оласиз. Ҳаш-паш дегунча уни ҳам бой берганингизни пайқамай қоласиз.

Бўлар иш бўлди, тўхташти керак, деб ўйлаган пайтингизда эса гишт қолипдан аллақачон кўчган, йўқотилган пулларни қандай қилиб бўлса-да ўрнига қўйиб саввасаси билан андармон бўласиз. Улуғлар айтмиш: “дардинг бўлса бўлсин, қарзинг бўлмасин”. У ёқда қарзини вақтида узоқмай, бу ёқда рўзгорни бутлолмай дўсту ёр олдида юзингиз шувут бўлиб, доимий тажанг, асабий кайфиятга тушсангизда, кўкнори хаёлингиз шу сафар қўлингиз баланд келишига, ютуқ энди, албатта, чиқишига умид бераверди. Бироқ мана шу умидларнинг барчаси пучга чиққан пайтда, бу йўлга кирган кимки бор, ўзини боши берк кўчада кўради ва ундан чиқиб кетишининг чораси ўлароқ қай бири мол-мулкни сотади, қай бири фариб беришга ўтади. Худо кўрсатмасин, яна қай бирлари ўз жонига қасд қилишгача боради.

БАРЧАГА ДАРС ҚУРБОНЛАР

Бу кўнгилга кўркув солиш ё тўқима ва ёки эҳтимолий гаплар ҳам эмас, шу бугун ён-веримизда рўй бераётган ҳолатлардир. Яқин йилларда ижтимоий тармоқда

тарқалган онлайн қимор билан боғлиқ хабарларнинг айримларига эътибор қаратсак: *Бухорода тотализаторда 100 млн сўм ютқазган йиғит ота-онасининг сейфини ўғириб ёқиб юборди; Нукусда мансаб ўрнидан фойдаланиб 9,2 млрд сўм пулни қиморда ютқазган банк ходими 8 йилга қамалди; Сурхондарёда банк ходими 278 нафар фуқарога нақд пул кўринишида чиқарилган жами 121,1 млн сўм нафақа пулларини уларнинг номидан сохта имзолар қўйиб орқали ўзлаштириб, ушбу пулларни “1Xbet” онлайн казино ўйинларига ишлатиб, талон-торож қилганлиги аниқланди; Фарғона шаҳрида онлайн қимор сабаб қарзга ботган йиғит қўшни маҳалладаги уйга ўғриликка тушиб, пайқаб қолган хонадон бекасини пичоқлади; Андижонда уч нафар фарзанднинг онаси, 28 ёшли аёл 11 миллион сўмни бой береани сабаб ўзини дарёга ташлади; 24 ёшли йиғит қиморда ютқазгани ордидан пайнет шохобчаси ёнида ўзини ёқиб юборди...*

Биз ҳали ўзгалар номига кредит олиб ютқазганлар, уйини сотиб кўчада қолганлар, хонавайрон бўлиб ота-онаси ва фарзандларининг кўзига қараёлмай мусофирликда юрганлар ҳақида индамадик.

КЕСКИН НАЗОРАТ ЗАРУР

Қиморбозлик – бу фақат бир шахсинг муаммоси эмас, балки бутун оила, яқинлар ва кенг маънода жамиятни ҳалокат сари етакловчи жиддий ижтимоий иллатдир. Айрим маълумотларга кўра, онлайн қимор сабаб ҳар йили Ўзбекистондан 350 миллиондан 1 миллиард долларгача маблағ хорижга чиқиб кетмоқда. “Пул кўлингизни кири” деган гап бу ўринда ўтмайди. Чунки масаланинг иқтисодий қўлими ортида инсон тақдирини, парокандалик, издан чиқиб кетган келажақлар – жамиятдаги қалтис оқибатлар ётибди. Ўнлаб, юзлаб ёшлар ҳаёти қимор туфайли ботқоққа ботмоқда.

Бу ачинарли ҳолатларга чек қўйиш мақсадида 2024 йил 19 апрель

куни давлатимиз раҳбари томонидан “Лотереялар ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон имзоланди. Унга кўра, 2025 йил 1 январдан бошлаб бу фаолиятга қонуний асосда рухсат бериш, уни тартибга солиш ва назорат қилиш тизими йўлга қўйилди.

Фармон ижроси юзасидан ташкил этилган матбуот анжуманида Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги бошқарма бошлиғи Нодир Жўраев таъкидлаганидек, асосий мақсад фуқаролар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ноқонуний қимор оқибатларини бартараф этиш ва зарарларини камайтиришдир.

“Афсуски, одамларда қиморбозликка мойиллик йўқ эмас. Ҳар қандай мобил иловани онсангиз, деярли ҳар иккинчи рекламада қиморга оид платформалар чиқиб келади. Бу инсонни ўзига секин-асталик билан жалб қилади. Одамлар хорижий, назоратсиз ва кўпинча алдамчи сайтларда қимор ўйнаб, катта маблағ йўқотишмоқда. Фармоннинг моҳияти шундаки, қонуний асос яратилиб, лицензияланган платформалар орқали бу фаолият назоратга олинади. Кўп ағвоқи бўлганми, қимор ўйинлари жинойтчилик, шахсий қарздорлик ва ўз жонига қасд қилиш каби оғир оқибатларга сабаб бўлмоқда. Қонуний тизим орқали бундай иллатларни камайтириш мумкин”, дейди агентлик вакили.

Хиндистон миллий озолик ҳаракатининг раҳнамоларидан бири Маҳатма Ганди айтмиш “дунёни ўзгартироқчи бўлсанг, бунинг ўзиндан бошла”. Агар инсоннинг ўзи яхши томонга эврилишни истамаса, ҳар қандай тақиқ фойда бермаслиги мумкин. Биз эса сизга бу йўлдан юринг, ё юрманг демоқдан йироқмиш. Шунчаки унинг минг йиллардан буён ўзгармас қоида-сини еллатиш билан кифояланамиз: “Қиморда фақат ўйнатганлар ютади”. Тамом.

Шукур ЛАТИФ

ТИЛБИЛИМ



МИНГ ЙИЛ ОЛДИН АЙТИЛГАН БУГУННИНГ ГАПИ

Мақоллар, назаримда, ҳозирги ёшлар нутқини тарқ этаётгандай. Гўёки улар эскилик сарқитлари, бугунги авлод учун нуносиб эмас. Минг йиллар оша бизгача етиб келган мақоллар аслида чинакам халқ донишмандлиги, ҳар қандай бадий асар билан беллаша оладиган халқ оғзаки ижоди намуналаридир. Аждодларимиз, хоҳ хос, хоҳ авом бўлсин, нутқини албатта, мақоллар билан беазаган, мақоллар уларга миллий аънаналар, қадриятларга амал қилиб тўғри яшашга кўмак берган.

Кошғарий бобомиз ҳам “Девону луғотит-турк”да юзлаб мақоллар келтиради ва албатта, уларнинг маънолари, қачон, қандай ҳолатда

ишлатилиши ҳақида тушунтириш беради. Бунинг қарангки, улар ҳозир ҳам аҳамиятини йўқотмаган, долзарб. Мана, шундай мақоллардан бири:

“Таму қапуғин ачар тавар”.
Бу ерда: “тamu” – тамуғ, яъни дўзах, “қапуғ” – эшик, “ачар” – очар, “тавар” – тавар, яъни буюм, аммо ушбу мақолда “тавар” сўзи, Маҳмуд Кошғарий изоҳига кўра, “пора” маъносиде ишлатилган. Мақолнинг мазмуни: “Пора дўзах эшигини очади”.

Демак, минг йил, икки минг йил олдинги аждодларимиз ҳам пора бериш нафақат жамият учун, балки инсоннинг ўзи, охирати учун ҳам салбий ҳодиса деб билганлар.

Абдувоҳид ҲАЙИТ

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

Ҳозирги кунда ижтимоий тармоқларда, айниқса, телеграмдаги уй сотиш каналларида шундай ҳолатга кўп дуч келамиз: одамлар яшаб турган, жиҳозланган уйлари сотувга қўйишмоқда. Сотув сабабларига эътибор берсангиз, кўпинча қарз туфайли деб ёзилади.

Уларнинг қарзга кириш сабаблари эса деярли бир хил:

1. Банкдан ва одамлардан қарз олиб, бизнес қиламан деб банкрот бўлган.

Одамлар “бизнес қиламан” деб, билим ва тажрибасиз ҳолда иш бошлади. Кўпинча бу ишлар мўъжиза кутгандай бошланади ва қутилган даромад келмаганидан кейин ҳаммасидан айрилишади. Қарзини қайтариш имкони бўлмагани учун охири уйини сотишга мажбур бўлади.

2. Ҳавас қилиб катта-катта уйлар ва машиналар олган.

Ақсарият одамлар ўзининг иқтисодий ҳолатини ҳисобга олмасдан, “манманлик” ва ҳавас туфайли катта, шинам уй қуриб, “кредитга” ёки қарзга қиммат машина сотиб олади. Бироз вақт ўтгандан кейин эса бу нарсалар оғир юкка айланади.

3. Тўй ва маъракалар учун ортиқча харажат қилган.

“Қизимнинг тўйини қилиб қўяй”, “Ўғлимни уйлантирай” деб, катта тўйлар ўтказиш, ортиқча чиқим қилиш оддий ҳолга айланган. Бунинг учун қарз

НИМА УЧУН ЯШАБ ТУРГАН

УЙИМИЗНИ СОТЯПМИЗ?



олинган бўлса, кейин қайтариш қийин бўлади ва уй-жойни сотишгача олиб келади.

4. “Вариантчи”ларга учраб қолган.

Кўпга одамлар ишончсиз одамлар билан иш юратади. Мулкни яхшигина фойда қиламан деб топширган, аммо охири алданиб, сотишдан бошқа чораси қолмайди.

Асосий сабаб – молиявий саводхонлик етишмаслиги

Ҳар бир муаммонинг ичидаги асосий илдиш – молиявий билимининг етишмаслиги. Одамлар:

- Қандай сарф қилишни,
- Қарзини қандай олиш ва қай тарзда қайтаришни,

- Таваккал билан ҳисоб-китобни қандай уйғунлаштиришни,
- Даромад ва харажат мувозанатини сақлашни билмайди.

Ота-боболаримиз қандай яшаган?

Эй барака топгур ўзбегим, бироз шукур ва сабр қил! Ота-боболаримиз:

- Қаноат билан,
- Оз-оздан тўплаб,
- Ҳавассиз, ўз имконига яраша яшаган.

Дангиллама уй ҳам, қиммат машина ҳам ҳақиқий бахт эмас. Бахт – хотиржамлик, қарзсизлик, тиңчилик ва барақада яшашдадир.

Ҳамидуллоҳ ОТАХОНОВ

Фейсбук

Jadid
adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy fahollik yozarlari

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ

“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:

Иқбол Мирзо

Масъул котиб:

Шўҳрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:

Дилмурод Дўстбеков

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров

Нигора Тошева

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Адади – 19 733

Шундан:

Кирилл ёзувида – 8 019

Лотин ёзувида – 11 714

Медиа кузатувчилар – 43 086

Буюртма: Г – 539

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.

Нашр кўрсаткичи – 222.

Ташкилотлар учун – 223.

1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,

Шайхонтоҳур тумани,

Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20

Девонхона: (97) 745-03-69

jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17

Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри,

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 20:30

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz